Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 185 (7075). | 28 сентябрь, 1979 йил | ЖУМА | Баҳоси 2 тийин.

БУЮК АДИБ

ЖАҲОН ва инсоният тарихида шундай сиймолар бўладики, уларнинг номлари абадул-абад офтоб мисол пурвиқор нур сочиб туради. Ажойиб салоҳият, улуғ талант соҳиблари бўлмиш бундай буюк зотларнинг номлари Коммунистик партиямиз ғоялари, Октябрь революциясининг муқаддас иделлари, она-Ватан равнақи, янги адабиёт ва маданиятимизнинг қарор топиши, таълим ва тарбия ишининг камолоти билан бевосита боғлиқдир. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ана шундай мукамбар арбоблардан бири эди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий чин инсон, қўрқмас революционер, нуктадон шоир, улкан ёзувчи, новатор драматург, изланувчан педагог, истеъдодли журналист, ташкилотчи муҳаррир, севимли бастакор ва созанда, узбексовет адабиёти ва санъатининг асосчиси, ижодда социалистик реализм услубининг меъмори эди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий толмас бунёдкор, ғўзалиқ ошиғи, меҳрибон устоз эди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳайратомуз иқтидор эгаси, ноёб қобилият соҳиби, ҳақиқат ва эзгулик муҳлиси эди. Ва ниҳоят у отаси ватанпарвар, ёрқин келажак учун курашчи, инқилобий ўзгаришлар учун жонини ғалмаган фидойи эди.

Тўқсон йил муқаддам 1889 йилнинг 6 мартида Қўқон шаҳрида камбағал ҳаким ибн Ямин оиласида бир чақалоқ дунёга келди. Унга яхши ният билан Ҳамза деб исм қўйдилар. Болакай ёшлигиданоқ зийрак ва зукко, оқил ва интилувчан бўлиб ўсди. «Отам саводли бўлгани учун 1898 йилда узбекча, форсчага том саводли бўлиб, 1899 йилдан 1906 йилгача мадрасада эски усул билан дарс ўқишда давом этдим», — деб ҳикоя қилади ўз таржимаи ҳолида Ҳамза Ҳакимзода.

Аммо мадрасадаги ибтидоий қолоқлик, ўқиш ва ўқитиш усуллари, диний схоластика, хурофий бидъатлар ёш толиби илмга қуидан-куи ёқмай борди. Оқибатда у мадраса таҳсилидан воз кечиб, ўзича, мустақил ўқий бошлади. Билимга чанқоқ, ақлли Ҳамза классик адабиётимиз намояндалари бўлмиш Мавлоно Лутфий ва Алишер Навоий, Гулханий ва Муқимий, Зокиржон Фурқат ва Завқий ижодиётлари билан танишди, уларнинг асарларини чўнг қунт ва муҳаббат билан мутолаа қилди.

Ҳамза оғир ва мураккаб, зиддиятли ва ғалаёнли бир даврда яшади ва ижод этди. Ҳамза умрининг илк даврларида Россия ишчилари доҳий Ленин раҳбарлигида революцион курашни авж олдира бошлаган эдилар. Ҳамза умумен Ўрта Осиёда, хусусан Фарғона водийсида эндигина тарқала бошлаган марксистик ғоялар билан таниша бошлади ва бу ғояларнинг тарқатувчиси бўлган большевиклар билан алоқа боғлади. Афкор омма орзу-умидларини ифода этган рус маданияти вакилларининг овозига қулоқ осди, улардан ўрнак олди.

Минг-минглаб меҳнаткашларнинг инқилобий кўтарилиш кези бўлган 1905 — 1912 йилларда Ҳамза каби оташин курашчилар етишиб чиқди. Зулм-истибдод оғушида, азоб-уқубатлар замирида Улуғ Октябрь социалистик Революцияси бошланди ва зафар қозонди. Умумхалқ озодлиги ташнаси бўлган Ҳамза биринчи кунларданоқ пролетарлар революциясини ёқлаб чиқди ва ўз ижодида уни баралла куйлай бошлади. У Октябрь революцияси ғояларини, Коммунистик партия чақириқларини, Совет ҳокимиятининг тадбирларини беками-кўст амалга ошириш учун астойдил, садоқат билан хизмат қилди.

Синфий курашларда тобланган жангчи, коммунист ва шоир сифатида мардонга чиққан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарлари халққа қарата айтилган оташин, эҳтиросли гимн бўлиб янгради. Унинг шеърлари ва нутқлари жанговар программа сифатида меҳнаткашларни олға ундади. Ўша йиллари унинг «Ҳой, ишчилар!», «Яша, Шуро!», «Биз ишчимиз», «Ишчилар уйғон», «Ҳой, ҳой, отамиз!», «Берма эркингни қўлдан!», «Қизил аскарларга», «Яшангиз, ишчи-деҳқонлар!», «Яша, Шўро, яша урфон!» каби шеърлари оммавий ашулаларга айланиб кетган эди.

Бутун Шарқ ва илғор рус маданиятининг энг яхши анъаналарини ижодий узлаштирган, Коммунистик партия ва Октябрь революцияси ғоялари билан қуролланган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзбек-совет адабиёти ва санъатига асос солди. Шунингдек, у янгича музика, янгича театр, янгича мактабларга биринчи пойдевор қўйди. Халқ турмуши, бахт-саодатидаги ўзгаришлардан қувонган шоир «Бизнинг бахтга қуёш чиққан кундир бу кун», «Шарққа қуёш чиқлаб чиқди», «Шодлигинг мангу тугамас қанча ўйнаб, куйласанг», «Янги турмуш бағларинда ёш кўнгиллар яшнасин!» деб жар солди.

Ҳамза ижоди чинакам халқчил эди. У халқ турмушида рўй бераётган янги воқеа ва ғояларни янгича ифодалаш, янгича ташбеҳлаш йўлларини топа билди. Ниёзий шеир ва ёзувчиликда чинакам новаторлик кўрсатди. У ҳар доим давр нафасини, тамир уришини, сарин еллар оқимини сезиб турди. У адабиётда янгича образлар галереясини яратди. Ҳамза адабиёт ва санъатда мазмун ва шакл ягоналигини кашф этди. У биринчи оғиз, миллий прозада ўз кучини синаб кўрди ва ўзбек романчилигига асос солди. У ижод қилган содда услуб, асарларидаги революцион руҳ уша замон талаблари ва ғоятда мос ва монанд эди. «Октябрни қувонч билан кутиб олган Ҳамза худди В. Маяковский сингари инқилобий шеъриятнинг бутун қудрати билан халқ оммаси орасига кириб, унинг раҳнамосига айланди», — деган эди улкан совет шоири Николай Тихонов.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг халқ бахт-саодати йўлида қилган самарали хизматлари ва жўшқин ижодий фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан мукносиб тақдирланди. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг қарорига биноан 1926 йил 27 февралда унга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган фахрий унвон берилди. Ҳамзанинг обрў ва эътибори кундан-кун орта борди. Буни кўра олмаган ашаддий синфий душманлар унга суиқасд қилдилар ва қирқ ёшида вахшиёна ўлдирдилар.

Инқилоб солдати ҳалок бўлди. Аммо шоир ва арбоб тимсоли унинг номи берилган шаҳарлар, районлар, қишлоқлар, колхозлар, совхозлар, мактаблар, театрлар, кўчалар, маданият уйлари қиёфасида бутун улуғворлиги билан яшаб қолди. Бутун адабиётимиз ва санъатимиз камолотини ўйлар экамиз, бу ишда таваллудининг 90 йиллиги умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг хизматлари беҳудуд эканлигини яна оир карра ҳис этамиз.

Ҳамза бутун ҳаётини ва ҳаётидан ҳам азизроқ бўлган ижодини Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга, большевиклар партияси нуфузининг ўсишига, жонажон халқи ишига ва халқ маданиятининг равнақига бахшида этди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, атоқли адибимиз Шараф Рашидович Рашидов бундай деган эди: «Октябрь инқилоби куйчиси, новатор шоир, янги социалистик тузум кишисига бутун борлиги билан ошифта бўлган Ҳамза ўз саминияти, фикрий тиниқлиги, инқилобий жўшқинлиги билан ҳозир ҳам совет кишиларига яқин ва қимматлидир. Унинг исми ҳақли равишда кўп миллатли совет адабиётининг байроқдорлари сафидан фахрли ўрин эгаллайди».

ПАХТАЗОР-МАРАДЛАР МАЙДОНИ

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МАШИНАЛАР ИШГА ТУШДИ

БЕКОБОД райони хўжаликларида машина терими кун сайин кенг қулоч ёймоқда. «Ленинград» совхозидан сўнг Дзержинский номли колхоз ва А. Мавлонов номли совхоз далаларида ҳам «зангори кема»лар иш бошлади. Дзержинский номли колхознинг моҳир механизатори Отамурод Саъдуллаев биринчи куниёқ 5 тонна пахта териб юқори кўрсаткичга эришди.

А. Мавлонов номли совхоз механизаторлари ўртасидаги мусобақада Э. Сулаймонов билан Э. Матқуловлар пешқадам бўлиб олишди. Улар ҳозир кунига 4 тоннага етказиб пахта териб бермоқдалар.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

НАВОИЙ номли колхоз аъзолари Тошкент райони хўжаликларо орасида биринчилар қаторн 1979 йилги социалистик мажбуриятни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Давлатга 9500 тонна сифатли сабзавот маҳсулотлари сотилди.

Колхознинг Тожибой Алимов, Аҳмаджон Қорабоев каби тажрибали деҳқонлар раҳбарлик қилаётган бригадаларида ҳосилдорлик юксак бўлди. Бу илғор коллективлар даласида ҳар гектар майдондан 400-500 центнердан сабзавот ҳосили йиғиштириб олинди.

ҚИШ ТАРАДДУДИ

ҒАЛАБА районидаги Энгельс номли колхоз чорвадорлари бу йилги қишловга яхши тайёргарлик кўриб қўйдилар. 3450 тонна силос, 1150 тонна сенаж бостирилди. 660 тонна беда хашаги тайёрланди.

Колхоз бўрдоқибоқарлари ҳам давлатга 35 тонна гўшт топшириб, йиллик планни муддатидан илгари ортиғи билан бажардилар.

ЯНА 2500 ТОННА УЗУМ

КОММУНИСТИК районидаги «Паркент» совхози соҳибкорлари давлатга 4755 тонна узум топшириб халқ хўжалик планини муддатдан илгари адо этдилар. Абдулла Болтабоев, Ҳамидулла Оролов, Манзолат Тўйчиева, Қаюм Солневлар бошлиқ бригадалар хўжалик коллективининг умумий ютуғига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Мавжуд имкониятларни қайта кўриб чиққан совхоз ишчилари давлатга яна 2500 тонна узум топшириш юзасидан янги мажбурият қабул қилишиб, бу маррани ҳам яқин кунлар ичида бажариш учун курашбошладилар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҒЎЗАНИ ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН 27 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — жами (планга нисбатан процент ҳисобида).

Оққўрғон	17,6	192,1	
Бекобод	9,7	176,8	
Ғалаба	11,3	176,0	
Янгийўл	15,6	169,5	
Пискент	6,7	165,3	
Чиноз	8,0	156,9	
Коммунистик	9,8	150,0	
Бўка	9,2	149,4	
Ўрта Чирчиқ	7,9	131,2	
Область бўйича:	10,7	164,9	

ХАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА



„Оқ олтин" хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 27 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун—районлар, иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун—мавсум бошидан буён, шу жумладан тўртинчи устун—машинада бир кунда терилган пахта, бешинчи устун—мавсум бошидан буён. (Умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида).

Янгийўл	1,11	8,21	—	—
Чиноз	1,10	7,31	—	—
Бекобод	0,89	6,78	0,10	0,27
Бўка	1,01	6,45	0,26	0,47
Пискент	0,91	6,30	—	—
Оққўрғон	0,90	5,81	—	—
Ўрта Чирчиқ	0,49	3,00	—	—
Коммунистик	0,29	2,03	—	—
Ғалаба	0,20	1,37	—	—
Область бўйича:	0,76	5,24	0,05	0,11

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети районлар, колхозлар, совхозлар ўртасида йиғим-теримни уюштириш ва давлатга пахта топшириш юзасидан ўтказилаётган мусобақанинг сентябрь ойи бешинчи беш кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Янгийўл районида** (район партия комитети секретари А. П. Алимов, район ижроия комитети раиси И. М. Шубладзе, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи В. П. Еремеев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи комитетининг раиси С. Шамшиев, район комсомол комитети секретари А. Убайдуллаев, «Ташоблсельхозтехника» район бирлашмаси бошқарувчиси А. Иброҳимов, пахта заводи директори Т. А. Исқоқов ўртоқлар) қолдирилди. Район меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш йиллик ҳажмини 7,1 процент бажариб, сентябрнинг бешинчи беш кунлигида 4,18 процент ўсишга эришдилар.

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бекобод районидаги «Ленинград» совхозида** (директори Ҳ. Қаҳрамонов, партия ташкилоти секретари Е. Дарибоев, ишчилар комитети раиси А. Тўрақулов, комсомол ташкилоти секретари Р. Усаров ўртоқлар) қолдирилди. Совхоз ишчилари давлатга пахта топшириш йиллик ҳажмини 17,21 процент бажардилар, сентябрнинг бешинчи беш кунлигида 10,76 процент ўсишга эришдилар.

Узбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозига** (раиси М. Мараҳимов, партия ташкилоти секретари Р. Деҳқонов, касаба союз комитети раиси Р. Гадиев, комсомол ташкилоти секретари А. Муродов ўртоқлар) берилди. Бу колхоз аъзолари давлатга пахта сотиш йиллик ҳажмини 13,30 процент бажардилар ва сентябрнинг бешинчи беш кунлигида 8,04 процент ўсишга эришдилар.

Байроқ Янгийўл районидаги Ленин номли колхозидан олиб берилади.

Шунингдек, кўчма Қизил байроқ **Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозига** (раиси Ж. Очилов, партия ташкилоти секретари М. Аҳмедов, касаба союз комитети раиси Я. Жўраев комсомол комитети секретари М. Жонқулов ўртоқлар) берилди. Бу колхоз аъзолари давлатга пахта сотиш йиллик ҳажмини 9,53 процент бажардилар ва сентябрнинг бешинчи беш кунлигида 6 процент ўсишга эришдилар.

Байроқ Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхозидан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Янгийўл районига, Бекобод районидаги «Ленинград» совхозига, Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» ва Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозларига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ЧОРВАЧИЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШ УЧУН

ТЕРМИЗ, 26 сентябрь. (ЎзТАГ). Яқин йиллар ичида Сурхондарёнинг қишлоқ меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш борасида катта вазифаларни ҳал этишлари лозим. Сурхондарё область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида чорвачиликни ривожлантириш борасида белгиланган планларни муваффақиятли ҳал этиш йўллари тўғрисида гапирилди. Пленум қатнашчилари Узбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленуми якунларини ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Узбекистон ССРда чорвачиликни жадал ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан область партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Ленин йўли район партия комитетининг биринчи секретари Р. Эргашев, Гагарин район партия комитетининг биринчи секретари А. А. Норқобилов, Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози партия комитетининг секретари Д. Т. Хўжамқулова, Денов район партия комитетининг биринчи секретари Д. Чориев, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Х. Э. Бердиев, Жарқўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг сут согувчиси Б. А. Аҳмедова, қора молларни парвариш қилувчи ва семиритириб боқувчи Шўрчидаги колхозлараро корхонанинг директори Б. Норматов, Қумқўрғон районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозининг чўчқабоқари Р. Лакаев, Сариосиё районидаги «Коммунизм» территориал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Б. Омонов, Гагарин районидаги «Пограничник» совхози механизациялаштирилган пахтачилик бригадаларининг бошлиқлари Э. Бўриев ва П. Шукуров, «Облколхозстрой» трестининг бошқарувчиси Э. М. Ангиров қатнашдилар.

Докладчи ва муҳокамаларда сўзга чиққанлар халқ фаровонлиги тўғрисида доимо қилаётган ғамхўрлиги учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик билдирдилар. Бу ғамхўрлик КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида акс этган. Партия ва ҳукуматнинг республикада чорвачиликни жадал ривожлантириш тўғрисидаги қарори мана шу ғамхўрликнинг янги бир ёрқин ифодаси бўлди.

Кейинги йиллар мобайнида областда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачилик анча ривожлантирилиши билан бирга чорвачиликни юксалтиришда сезиларли муваффақиятларга эришилди. Жамоат чорвасининг туёғи кўпайди, унинг маҳсулдорлиги ошди, натижада ўнинчи беш йиллиқда ўрта ҳисоб билан бир йилда етиштирилган гўштни 23 процент, сутни 29 процент, тухумни 26 процент кўпайтириш мумкин бўлди.

Пленум қатнашчилари чорвачиликни жадал ривожлантириш учун область ихтиёрида бўлган резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш масалаларига асосий эътибор бердилар. Жумладан қорамол туёғини кўпайтириш, биринчи навбатда, сигирларни кўпайтириш, зарурлиги тўғрисида гапирилдики, ҳозирча бир қанча жойларда улар старли эмас.

Топшириладиган чорва вазнини ошириш, гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Илғор хўжаликларнинг орттирган тажрибалари бунга мисол бўлиши мумкин. Масалан, «Ҳазарбоғ» совхозида қорамолнинг ўртача вазни 710 килограмм бўлса, «Сурхон» совхозида 555 килограмм келади. Ленин номли совхоз, Шўрчи районидаги «Октябрь 30 йиллиги» колхози ва бошқа бир қанча хўжаликлар юксак кондициядаги чорва топширмоқдалар. Айни маҳалда яйдоқ боқиш ва қантариб боқиш яхши ташкил этилмаганлигидан талайгина колхоз ва совхозлар ҳар йили ўнлаб тонна гўштдан маҳрум бўлиб қолмоқдалар. Қўйчиликни ривожлантириш, шу жумладан сермаҳсул ҳисори қўйларин кўпайтириш масалаларига катта эътибор берилди.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масаласи ҳам ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Пленумда қабул қилинган қарорда чорвачиликни янада жадал ривожлантириш борасида кўриладиган тадбирлар белгилаб берилди.

Пленумда давлатга пахта топширган борасидаги социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш тадбирлари тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда давлатга 580 минг тонна, шу жумладан 220 минг тонна ингичка толали нав пахта топшириш, пахта тайёрлаш йиллик планини 20 октябргача бажариш кўзда тутилган.

Ш. Р. Рашидов Узбекистон областлари ўртасида чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан ўтказилган республика социалистик мусобақасининг 1979 йил 1 сентябргача бўлган якунларига кўра сазовор бўлган Сурхондарё областига ҳамда Термиз районига Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини топширди. Термиз районига 1979 йил мавсум бошидан ингичка толали пахтани териб давлатга топириш юзасидан социалистик мусобақа якунларига мувофиқ байроқ берилган эди.

Л. И. БРЕЖНЕВ К. ФОМВИХАН БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 26 сентябрь куни Кремлда Лаос халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ-Демократик Республикасининг Бош министри Кейсон Фомвихан билан учрашди.

Ўртоқ К. Фомвихан Лаосдаги аҳвол ҳақида, ЛХРП Марказий Комитети ва ЛХДР ҳукуматининг мамлакатда социализм асосларини қуриш ҳамда иқтисодий қолоқликни, ўтмишдаги феодал ва мустамлакачилар ҳукмронлиги сарқитларини тугатиш соҳасидаги фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. У Лаос билан интернационал бирдамлиги учун, ҳар томонлама, бегараз, самарали ёрдами учун КПСС Марказий Комитетига, Совет Иттифоқи ҳукуматига ва халқига бутун Лаос халқи номидан миннатдорчилик изҳор қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Совет кишилари Лаосдаги воқеаларни эътибор билан кузатиб турибдилар, халқ революцион партиясининг ишларидан хабардордирлар. Бу партия бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишни ташқаридан халқаро реакция кучларидан мадад олаётган реакцион унсурларга зарба бериш билан бирга қўшиб олиб бормоқда.

Суҳбат вақтида СССР билан ЛХДР ўртасидаги ҳамкорлик кўп соҳаларда муваффақиятли ривожланаётганлигидан мамнуният изҳор қилинди ва ҳар икки мамлакатнинг қардошларча дўстлигини кучайтириш юзасидан бундан буёнги тадбирлар белгиланди.

Бир қанча халқаро проблемалар юзасидан ҳам фикрлашиб олинди. Бунда Жануби-Шарқий Осиёдаги вазиятга алоҳида эътибор берилди. Л. И. Брежнев билан К. Фомвихан Ҳинди-Хитой мамлакатлари — Лаос, Вьетнам ва Камбоджа ўртасидаги дўстлик ва қардошларча иттифоқ бирон-бир давлатнинг хавфсизлиги манфаатларини бузмай, балки аксинча, Жануби-Шарқий Осиёда тинчлик омили бўлиб хизмат қилади, деб таъкидладилар.

Ўртоқ К. Фомвихан Лаос КПССнинг, Совет ҳукуматининг ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, бу жараённи бутун жаҳонга ёйиш ва халқаро хавфсизлик ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги тадбирларини гоят қадрлайди, деди.

Учрашув дўстлик, самимият ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов ва Лаос халқ-революцион партияси Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси Иппонг Суринхуми ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ФАМ ВАН ДОНГ ТОШКЕНТДА

Вьетнам Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Вьетнам Социалистик Республикасининг Бош министри Фам Ван Донг 27 сентябрь куни Бағдоддан Тошкентга келди.

ВСР, СССР ва Узбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Б. Усмонхўжаев, Узбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Узбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида ВСРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Та Хну Кань бор эди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

БОЛГАРИЯ Халқ республикаси Хасково округининг БКП округ комитети биринчи секретари Румен Сербезов бошчилигидаги партия делегацияси республикамиз билан танишишни давом эттирмоқда.

Ўтган куни қардош мамлакатдан келган меҳмонлар «Ташсельмаш» заводини, Бутуниттифоқ клиника ва экспериментал хирургия илмий-тадқиқот институтини, амалий санъат музейини бориб кўрдилар.

Шу куни болгар дўстларимиз Калинин районига бордилар. Улар район саблавотворкалари билан учрашдилар, теплица комбинати, «Хасково» совхозида бўлдилар. Свердлов номли совхозда ташкил этилган Совет—Болгар дўстлиги уйи билан танишдилар. Кеча Хасково округи партия делегациясининг аъзолари Урганч, Хива, Бухоро ва Самарқандда бўлдилар.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1979 йил 27 сентябрь | № 231 | Москва шаҳри.

БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ 1979 ЙИЛ НОЯБРЬ-ДЕКАБРЬ ОЙЛАРИДА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА ВА ГРАЖДАНЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ҲАҚИДА

СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонуни»га биноан **буюраман.**

1. Ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатлари 1980 йил 1 январгача тугайдиган ҳарбий хизматчилар 1979 йил ноябрь-декабрь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар сафидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг биринчи бандига биноан ҳарбий хизматчилар запасга бўшатилиши муносабати билан чақириқ кунигача 18 ёшга тўлган, чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган гражданлар, шунингдек чақириқ муддатини узайтириш фурсати ўтиб кетган, чақириладиган катта ёшдаги гражданлар Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар сафида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталарда, батареяларда, эскадрильяларда ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали
Д. УСТИНОВ.

1889 ИНҚИЛОБ КУЙЧИСИ 1979

МАНГУ БАРҲАЁТ

Лазиз ҚАЮМОВ.

Профессор, Ҳамза мукофоти лауреати.

АДИБЛАР икки бор яшайдилар. Аввалига оддий ҳаётлари билан, сўнг эса асарлари умри билан. Ҳамза ҳам шундай.

Унинг ижод тарихи ҳам икки қисмдан иборат. 24 йиллик ижодининг қоқ ярми инқилобдан аввалги даврга тўғри келади. Ҳамзанинг инқилобдан аввалги даврижоди ўтмиш зулматини ёритган бир нур эди. Шу нур инқилоб тонги отгандан сўнг ёркин қуёшга айланди. Айни вақтда қуёшдек боқийлик касб этди.

Классикларнинг ҳар иши ибратли. Ҳамзанинг қиска, аммо ёркин умрида қилган ишлари, серқиррали ижодининг маҳсули бўлган кўплаб асарлари юқоридаги фикримизнинг жонли далили.

Ҳамза улкан истеъдод соҳиби эди. Аммо маълумки, ҳеч ким классик бўлиб туғилмайди, балки салоҳиятини тарбиялаб ва тинмай меҳнат қилиб унга эришади. Ҳамза ҳам шундай қилган. У ўзбек фольклори ва классик адабиётининггина эмас, балки бутун Шарқ адабиёти тарихини чуқур ўрганиб, рус классикларининг асарларини, хатто Ғарбий Европа адабиёти анъаналари билан танишиб, айни вақтда дадил новаторлик билан ижоднинг кўп соҳаларида ажойиб асарлар яратди, ва XX аср ўзбек адабиётининг энг йирик арбобларидан бири бўлиб тарихда қолди.

Унинг таланти бетиним изланишларда тобланди. Аруз вазнининг асрий қонунлари доирасида ижодини бошлаган Ҳамза уни чуқур ўрганди, турли шакл ва баҳоларда қофия жуфтлаб кўрди, аммо қалбида туғён урган улкан ҳиссиёт тўлқинларига эски шеърият доғмалари тўсқинлик қилаётганини сезиб қолганда улардан дадил воз кечди, бармоқ вазнига, баъзан эркин вазнга кўчиб янги ўзбек совет поэзиясини бошлаб берди. Айни вақтда ўрни-ўрни билан, хусусан, ҳажвияда, эски шакллардан, масалан, аруздан ҳам муваффақият билан фойдаланиб турди. Бу билан Ҳамза ўзбек совет поэзиясининг бадиий шакли мазмун ва ижодий ниятталаби остида хилма-хил бўлиши мумкинлигини амалда исбот этди.

Ҳамза инқилобдан аввалоқ дидактик ҳикоялар ва бешта роман ёзиб (афсуски, улардан учтаси ҳали топилмаган) ўзбек прозасининг реалистик йўлини улар мисолида кўрсатди.

Ҳамза асримиз бошида драматургия ва театр санъати билан қизиқа бошлаганда бизда ижоднинг бу турлари ибтидоий шаклда эди. Сўнгра — У «Илм ҳидояти», «Заҳарли ҳаёт», «Бой ила хизматчи» каби драмалар ва қатор комедиялар ёзиб, инқилобдан аввалоқ ўзбек драматургиясини янги ва юқори поғонага кўтарди.

Классик бўлиш учун фақат улкан талант камлик қилади. Талант илғор ижтимоий тараққиётнинг тарғиботчиси бўладими ёки қора кучлар қўлида қурол бўлиб қоладими? Бу ҳеч қачон қуруқ риторик савол бўлган эмас. Ҳамзадан аввал ҳам, у билан бир вақтда ҳам бадиий маҳорати Ҳамзадек адиблар бор эди. Лекин талантини тўғри ижтимоий йўлга туширолмай охири таҳсин эмас, танқидга учраган адиблар ҳам бўлди.

Ҳамза ижодий жасоратининг энг ибратли ўрни шундан иборатки, у бутун истеъдодини онгли равишда халқ озодлик ҳаракати билан, инқилобдан аввалги тарихнинг энг илғор ғояси билан қалб риштаси орқали боғлади. Шундан бўён унинг барча ижоди меҳнаткаш халқ оммасининг бадиий образларда баён қилинган тарихи ва айни вақтда шу тарих тараққиётига таъсир этган кучли омилларидан бири бўлди. Чунки у инқилобдан аввалоқ «бошида посбон йўқ деб етим аҳлини қақшатма» дея камбағал бошида қамчи ўйнатган золимнинг қўлини ушлаб қолмоқчи бўлди. Золимларга насиҳат таъсир қилмаслигини тушунгандан сўнг эса, бу зулматли ҳаётдан халқни олиб чиқиш йўлини маърифатдан ахтарди. Маърифатпарварлик ғояси Ҳамзанинг инқилобдан аввалги даврижоди хусусан, «Ўқиш китоби», «Қироат китоби», «Енгил адабиёт» дарсликлари, «Янги саодат» романи қатор публицистик мақола ва шеърлари, «Заҳарли ҳаёт» каби драмалари орқали қизил ип бўлиб ўтади.

Ҳамза фақат маърифатга чақирибгина қолмади, балки мактаб очиб муаллимлик қилди. Халқ қўшиқларини ёниб, уларни маърифат ҳақидаги шеърлари билан бойитиб нашр этди. У 1916 йил мардикор воқеаларининг жонли шоҳиди бўлди. Ҳамза ўша йилларда адолатсизлик содир бўлаётганини фош этиб марказга оммавий хат уюштирди. «Соғиниб», «Салом айтинг» каби шеърлари, «Лошман фожиаси» каби саҳна асари билан ўша даврвоқеаларини адабиётга олиб кирди.

Халқ озодлик ҳаракати билан ҳамнафас бўлган ижод ўша кураш кучайишига параллель бўлиб ривожланди, у билан бирга қанот ёзди, адиб онгини марксизмга, ижодий методини социалистик реализмга ўсиб етишига асос бўлди. Шунинг учун Ҳамза 1917 йил февраль буржуадемократик революциясини хурсандчилик билан кутиб олди. Аммо ундан сўнг ишни ўз қўлига ўтказиб олган реакцион кучлардан тезда юз ўгириб, большевиклар партиясининг оташин тарғиботчисига айланди. Бу ҳақда Ҳамза автобиографиясида ёзади:

...1917 йилнинг 28 майида Қаландархонада тўрт юзга яқин рабўчийларни тўплаб зўр намойиш қилиб, рабўчий-меҳнаткашлар жамияти таъсис қилдик... Бу кунгача давом этмоқда бўлган «тўртинчилик» («большевиклар» — Л. Қ.) унвонининг бош муассислари шул ташкилотдир. Ҳозирда менда даъватномалари сақланадир».

Ҳамзанинг мана шу қайфияти поэзияга кўчган. Шу даврда унинг инқилоб гимни сифатида янграган оташин поэтик асарлари яратилган. Ҳамза поэзиясининг бадиий баркамол намуналари қўшиққа айланиб халқимизга ҳануз эстетик завқ бағишламоқда. Унинг масаллари халқимиз ҳикматлари қаторида ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Адиб қаламига мансуб ҳажвиялар шу кунгача ўз таъсир кучини йўқотмаган. Публицистик асарлари шуҳратига шуҳрат қўшмоқда.

Ҳамза илк бор меҳнаткаш инсон, революционер ўзбек коммунисти образини яратган эди. У бошлаб берган бу анъана жиддий равишда ривож топиб, биз бугунги адабиётимиз ижобий қаҳрамонлар галереяси инсон дунёқараши ва психологиясининг турли томонларини очувчи ажойиб образлар билан бойиганини қайд қиламиз.

Ҳамзанинг ўша даврда яратилган «Бой ила хизматчи» драмаси социалистик реализмнинг ёркин намуналаридан бири бўлиб олтмиш йилдан буён саҳнадан тушмайди, оламнинг кўп бурчакларида совет адабиётининг обрўйига обрў қўшиб келмоқда. «Майсаранинг иши» эса гоҳ китоб саҳифаларида, гоҳ опера куйларида намоён бўлиб, чинакам маънодаги халқчил асар намунасига айланди.

Ҳамза «Фарғона фожиаси», «Ғолибият», «Қаҳрамон Ўғиз» каби турли хил асарлари билан бугунги тараққий топган театр санъатимиз тарихининг илк саҳифаларини битиб берди. У маданиятимиз тарихида биринчи бўлиб драматик трилогия ва тетралогиянинг намунасини яратди.

Ҳамзанинг улкан истеъдоди ҳаёт воқеаларини ҳаққоний тасвирлаш, доимо оригиналликкга интилиш ва унга эришиш, драматик асарлар сюжети ва композициясини ишлаш маҳорати, айниқса, халқ тилини чуқур билиш, ундан жуда усталик билан фойдалана олиш, шеъриятда қофия, вазн, образли тафаккурнинг юксаллигига эришиш каби ижоднинг кўп омилларида ёркин намоён бўлади. Шу улкан истеъдод ва тинимсиз меҳнат қўқонлик Ибн Ямин Ҳакимнинг конжатой ўғлини оламга ўзбек совет адабиёти, театри ва музыка санъатининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий қилиб танитди.

[Давоми 4-бетда].

ЯША, ШЎРО!

(Ашула)

Бузма кўнглинг боқ бу Шўро
Берди мангу нитиҳоқ.
Томчи ҳар қонинигга олдинг
Илму урфон, эрку жоқ.

Нақорат:

Яша Шўро, яша Шўро!
Сен яшайдиган замон.
Ишчи ўгли, шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

Чор ҳукумат вақтидаги
Қуллигингни ўйласанг,
Шодлигинг мангу туганмас,
Қанча ўйнаб, куйласанг.

Нақорат:

Ишла, ишлов вақти келди,
Етма ғофил бандалар!
Битсин энди эски турмуш,
Ул кулоҳу жандалар!

Нақорат:

Эски турмуш бағларин қўй,
Қарга, зоғлар қишласин!
Янги турмуш боғларинда
Еш кўнгиллар яшнасин!

Нақорат:

Сен бу кўргу орқасида
Келди, ол кутганларинг!
Борса борсин, қабр тошин
Тангри, деб тутганларинг!
Нақорат:

1918 йил.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий яратган асарлар бугунги кунда халқимизнинг маънавий мулкига айланган. Ҳамза образини яратишда санъаткорлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Суратларда: 1. Таниқли кинорежиссёр З. Собитов ишлаган «Ҳамза» фильмидан кадр; 2. «Бой ила хизматчи» драмасидаги Ғофур образи СССР халқ артисти Ш. Бурҳонов талқинида маҳорат билан ижро этилди; 3. Ҳамзашунос олим Л. П. Қаюмовнинг «Қалдирғоч» спектаклини юбилей арафасида Й. Охунбобоев номли ёш томошабинлар театри коллективи саҳналаштирди.

С. Маҳкамов ва А. Жданов фотолари.

БЕРМА ЭРКИНГНИ ҚЎЛДАН!

Папоқ кийган қаҳрамон,
Гавдали қоплон,
Темир панжанг билан тўк
Душманингдан қон.
Боболардан бир сўз бор
Эшит оғажон:
«Босган изидан қайтмас
Ўлса ҳам арслон».
Дупур — дупур оёқ бос,
Ерни титратиб,
Душман сари йўлга бос
Тўпни судратиб.
Басдур, шунча йил чекган
Кулфат ва хўрлик!
Золим бойлар ҳақингга
Қилди ҳар зурлик.
Яна истар ҳонилар
Қилмоқ қонхўрлик.
Битсин энди истибдод
Бирла контрлик!
Ишчи эрлар гулшани
Яшнасин турлик!
Берма эркингни қўлдан,
Яшамоқ чоғинг!
Ернинг шариқнр сенинг
Мулку чорбоғинг.
Ей, жаҳонни қизартсин,
Қонли саҳнонг!*
Гарбда, Шарқда шодлансин,
Кўрсин ўртоғинг!
Мангу қолсин оламда
Шонли байроғинг!

1919 йил.

* Саҳнонг — байроқ.

ШОИР АДИБЛАР НАЗДИДА

В. Маяковский, Д. Бедний ва революция туфайли етишиб чиққан бошқа улкан шоирлар рус поэзиясида новаторлик йўлларини излаган ўша тарихий даврда Ҳамза ўзининг миллий адабиётида ана шу йўлларга дадиллик билан асос сола олди. Ҳамза музика ва театр санъатида ҳам ана шундай муваффақият билан янги ижодий изланишлар олиб борди.

Н. С. ТИХОНОВ.

* * *

Ҳамза рус адабиётини чуқур ўрганиши ва ундан зўр муҳаббат билан баҳраманд бўлиши натижасида ўзбек совет адабиётига рус шеърий формасининг кириб келишида, проза жанрининг яратилиши ва ўсишида катта хизмат қилди. Большевиклар партияси тарбиялаб вояга етказган Ҳамза ўзбек совет адабиёти тарихида муносиб ўрин ишғол этди.

Шароф РАШИДОВ.

* * *

Унинг ажойиб таржимаи ҳолини совет адабиётидаги энг қаҳрамонона таржимаи ҳоллардан бири, деб дадил айта оламиз.

Константин СИМОНОВ.

* * *

Ўзбек халқининг шонли фарзанди Ҳамза Ҳакимзоданинг юлдузи бугунги кунда ҳам кўп миллатли совет маданиятимизнинг беповён осмонида чарақлаб турибди.

Олесь ГОНЧАР.

* * *

Мен Ҳамзаннинг ёркин таланти, истеъдоди ва ватандошлик идеалларининг мусаффо ва ўзига хослиги олдида таъзим қиламан. Ҳамза Ҳакимзода революцион новаторлигининг илдизлари ўзбек халқининг ўзига хос тўла, фусункор ва қадимий маданияти заминидан озиқланади. Бу ҳозирги кунларда ҳам Ҳамзадан халқнинг ўлмас традицияларидан фойдаланишни, умуминсоний ва интернационал ҳодисаларни миллий колоритда тасвирлашни ўрганишимиз керак.

МИРЗА ИБРОҲИМОВ.

* * *

Бизнинг классикларимиз, XIX асрдаги илғор мутафаккирларимиз ижодий изланишларини, илғор рус классик адабиётининг илғор традициялар билан яқинлаштиришни ўзларининг тарихий вазифалари деб билган эдилар. Абовян, Чавчавадзе, Абай, Тўқай, Айний, Ҳамза шундай қилишган эди.

Мухтор АВЕЗОВ.

* * *

Дунёда энг қодир ва энг илғор адабиёт бўлган совет адабиётимиз Октябрь инқилобининг фарзандидир. Бу адабиётнинг янги дунё учун курашнинг ўти ва пафоси билан тўла илк қўшиқларини абадий қуллиқдан озод бўлган, большевизм қўёши ёритган улуғ тарихий йўлга чиққан меҳнаткаш халқ яратди. Бундай қўшиқларни унинг оташин куйчиси Ҳамза Ҳакимзода таранним этди. Ҳамзанинг қўшиқлари бутунлай янги ижоднёнинг илк гуллари эди.

ОЙБЕК.

* * *

Ҳамза Ҳакимзода туркман халқининг ҳам суюкли фарзандидир. Ҳамзанинг юракни тўлқинлантирувчи «Бой ила хизматчи» пьесаси Туркман Давлат театри саҳнасида ҳам кўп йиллардан бери қўйилиб, мингларча томошабинларни ўтмиш иллатларига нафрат ва инсонга муҳаббат руҳида тарбиялаб келмоқда.

Берди КЕРБОБОЕВ.

ҲАМЗА НОМИ БИЛАН

ШОИР НОМИГА МУНОСИБ

Районимизнинг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номи билан аталишидан ҳақли равишда фахрланамиз. Шоир таваллудининг 90-йиллигини муносиб кутиб олиш район меҳнаткашлари олдига шарафли ва масъулиятли вазифани юклади. Ташкил топганига 11 йил тўлаётган навқирон районимиз йирик саноат ва илм марказидир. Унинг территорияси 3150 гектар бўлиб, аҳолиси 213 минг кишини ташкил этади. Урта Осиёда энг йирик В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, пахтакорлар оғирини енгил қилувчи, жаҳонга донғи кетган К. Е. Ворошилов номли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, йирик уй қуриш комбинатлари районимиз территориясида жойлашган. Шунингдек, қатор саноат, қурилиш, транспорт, алоқа корхоналарида йилига 840 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Ҳамза номли районни фан ва илм маркази дейишади. Боиси, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Президиуми, унинг қатор илмий-текшириш институтлари, лойиҳалаш институтлари, Тошкент Давлат медицина институти, 2 та техникум, 5 та ҳунартехика билим юрти, 26 ўрта таълим ва ўндан ортиқ ишчи-ёшларнинг кечки мактаблари фаолият кўрсатмоқда.

Уничи беш йиллик — сифат ва самарадорлик беш йиллигидир. Шу муносабат билан район соноат корхоналарини реализация этиш ўтган беш йилликдагига қараганда 153 процент ўсди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги 34,4 процент кўпайди. Саноат корхоналарининг 85 процентни ишлаб чиқариш унумдорлигининг ошиши, меҳнатни тўғри ташкил этиш эвазига олинди.

Қурилиш соҳасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Сўнгги беш йилликда 226,3 минг кв. м. турар-жой бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 10 та болалар боғчаси, 5 та мактаб, 2 та кинотеатр, 3 та савдо маркази, музқаймоқ фабрикаси, ошхона, маиший хизмат кўрсатиш объектлари битказилиб ишга туширилди. Айрим саноат корхоналарини таъмирлаш ва қайта тиклаш олиб борилмоқда.

Районимизда амалга оширилаётган ишлар саноатни давом эттириш мумкин. Лекин булар ичида диққатга сазоворларидан яна бири — район меҳнаткашларининг Х. Х. Ниёзий туғилганининг 90 йиллигини кенг нишонлаш борасида қилинган ишлардир.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий XX асрнинг йирик жамоат ва маданият арбобларидан бири. Шунинг учун ҳам шоирнинг юбилей тантанаси кўпмиллатли совет халқи санъати ва адабиётининг ҳам байрамига айланмоқда. Бу табиий ҳол, негаки мамлакатимиз тарихининг энг мураккаб алангали йилларида яшаб, ижод этган Ҳамза ўз умрининг энг асл даврларини кишилик бахт-саодати учун курашга бағишлади. Унинг бутун жўшқин фаолияти янги типдаги социалистик маданиятни ва санъатни шакллантириш, халқ маорифини янги усулда ривожлантиришга қаратилган эди. Ана шундай шоир таваллудини нишонлаш борасида район партия комитети қатор тадбирларни амалга оширди. Жумладан: район «Билим» жамияти ва А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти тайёрлаган «Ҳамза — ёзувчи ва жамоат арбоби» мавзуида 38 лекция тингланди, Район ишчи ва зиёлилари билан Тил ва адабиёт институти олимларининг учрашув кечалари, илмий-амалий конференциялар бўлиб ўтди. Шунга ўхшаш учрашувлар районимизнинг 67, 198, 204, 156, 130-мактабларида, 14, 83, 84-ўрта махсус билим юртлари ҳамда А. Икромов, «Октябрь 50 йиллиги», 27, 28, 23-маҳаллаларда ўтказилди. Янгиобод маҳалласида «Нафосат» халқ университети мунтазам ишлаб турибди. Ана шу университетда «Ҳамза ва Узбекистон адиблари», «Ҳамза — замондошлар назидида», «Ҳамза — озодлик ва бахт қўйчиси» мавзуларида таниқли олимларимиздан Узбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Ю. Султонов, М. Қўшжонов, филология фанлари кандидатлари Ғ. Мўминов, М. Иброҳимов, Ғ. Жаҳонгировлар лекция ўқидилар.

Ҳамма кутубхона ва маданият уйларида Ҳамза ижоди ва фаолиятини қамраб олувчи фотонўргазмалар, стендлар ташкил этилди. Болалар кутубхонасида кичкинтойлар билан суҳбатлар, шеърхонликлар бўлиб ўтди.

Узбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективи шоир юбилейига алоҳида тайёргарлик кўрди. Институт Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 4 томлик академик нашрини тайёрлади.

Районимиз меҳнаткашлари оташин инқилобчи, Ватанинг содиқ фарзанди Х. Х. Ниёзий юбилейини янги меҳнат ютуқлари билан қаршиламоқдалар.

Н. И. ИБРОҲИМОВА,
Ҳамза район партия комитетининг секретари.

ДЕҲҚОН ТАЪЗИМИ

Колхозимиз Ҳамза номи билан аталади. Инқилоб жангчисан, ҳуррият парвари шоир аср бошидаёқ бугунги бахтиёр, ёғдуга чўмган нурафшон давр-даврининг ҳақида бор овоз билан куйлаган эди. Жаҳолат, қора кучлар қурбони бўлган маърифат жарчисининг ширин орзулари бизнинг замонамизда, шўролар давридагина рўёбга чиқди, тантана қилди. Узбекистон бу кунга келиб чор Россиясининг чекка қолоқ бир ўлкасидан еппасига саводхон, маданияти юксалган, йирик саноат ва ривожланган қишлоқ хўжалиги республикасига айланди. У бугун Шарқда — машъал.

Бундай беқиёс ўзгаришларни бизнинг колхоз мисолида ҳам кўриш мумкин. Уз ерининг ҳақиқий хўжайини бўлган колхозимиз дала меҳнаткашлари бу йил 1750 гектар ерда пахтадан, 100 гектар ерда шолидан, 100 гектар ерда эса маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозиргача давлатга пилла ва маккажўхори дони сотиш юзасидан эммага олинган мажбуриятлар ортиқ билан адо этилди. Гўшт, сут ва тухум сотиш квартал планлари ҳам ошириб бажарилаяпти.

13 сентябрь куни колхозимиздан дастлабки «оқ олтин» қизил карвони йўлга чиқди. Шу куни Ватан омборига 12 тележка ёҳуд 40 тоннадан зиёдроқ дурдона тўкилди. Ҳозиргача эса, қабул пунктларига 400 тоннадан ортиқроқ қимматбаҳо хом ашё жўнатилди. Бу сезилли шоир юбилейига дастлабки тўёна, илк меҳнат армуғонимиздир.

Лекин катта юриш, улуғвор меҳнат таронаси энди бошланаяпти. Азамат механизаторларимиз «пўлат отлари жиловини қўлда маҳкам тутиб, буйруқ берилишини кутиб туришибди. Улар бу йил 6300 тонна пахтани хирмонга фақат «пўлат этак»лардан тўкишади.

50—60 центнерчи бригада бошлиқлари Саодат Гулаҳмедова, Юсуф Юнусов ва Темир Суюнов сингари ажойиб пахта усталари шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётган колхозимизда бу йил 40 центнерлик марра учун кураш кетяпти. Мавжуд 23 пахтачилик бригадамизнинг ҳаммасида ана шу юксак мажбуриятни тўла қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилган. Қишлоғимиз бугун байрам либосида. Колхоз клуби, дала шийпонларни ўзгача чирой кашф этган. Деворий газеталарнинг маҳсус сонлари, фотостендлар, қизил алвонлар шоир Ҳамза таваллудининг 90 йиллиги шодиёналаридан дарак бериб турибди. Яқинда колхозимиз ташаббуси билан район марказида катта ҳамзахонлик кечаси ўтказилди. Бўкаликлар хотирасида узоқ вақт сақланиб қоладиган бу ажойиб кечага таниқли адибларимиз — Комил Яшин, Уйғун, Тўроб Тўла, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Гулчеҳра Нуруллаева ва бошқа қалам аҳлари ташриф буюришди.

Колхозимизда Ҳамза музейини очиш ва ҳозир музей учун қуриб битказилган икки каватли бино қаршисида шоирга ҳайкал ўрнатиш юзасидан катта тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Севимли шоиримиз Ҳамза сиймоси қаршисида бугун таъзимдамиз. Унинг номи қалбимизда абадий яшайди.

Йўлдош ҲОЖИМАТОВ,
Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз раиси.

МЕН УНИ КЎРГАНМАН

Мен уни кўргандим. Бунга 52 йил бўлди. Аммо, худди ҳозиргидек эслайман. 1927 йилнинг куз эди. У маҳалда республикамизнинг марказ Самарқанд бўлиб, бизнинг театримиз ҳам ўша ерда эди. Бир группа артистлар Қўшҳопуз деган жойда турардик. Бир куни Етим Боботжон, Тўхтасин Жалилов, Абдуқодир найчи ва бошқа устозларимиз ҳовлида тараддуд кўра бошлашди. Кўп ўтмай кўчадан эгнида йўл-йўл чопон, бўйчан, озғин одам кириб келди. Ҳамма дув туриб чуқур ҳурмат билан унга пешвоз чиқди. Унинг чеҳрасида самимий табассум, худди оғаларнилардек устозларимиз билан қучоқлашиб сўрашди. «Келинг, Ҳамза», «Бардаммисиз Ҳакимзода!» сўзларидан унинг Ҳамза Ҳакимзода эканлигини билиб олдик. Унгача бу оташқалб шоирнинг шеърларини мароқ билан ўқиб, қўшиқларини куйлаб, унга нисбатан қалбимизда чуқур меҳр, ҳурмат пайдо бўлганди. Ҳали Москвада ўқиб юрган пайтимиздаёқ унинг «Яша Шўро», «Ҳой, мишчилар» сингари қўшиқлари концерт программамизнинг энг асосий номерларидан ҳисобланарди. Ўша куни Ҳамзанинг ўзини кўриб, устозлар билан сўзлашаётганди теран фикрлари, маърифат йўлини тўсаётган золимлар, диндорларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш ҳақидаги гапларни эшитиб, ҳонадонимизга буюк одам келгандек ҳис қилдик. Ҳамза кўп нарсаларни сўраб олди. Санъат даргоҳига эндигина қадам қўйган янги талантлар уни «уда-жуда қизиқтирарди. Бир маҳал Турсуной Саидазимовадан қўшиқ айтиб беришни илтимос қилишди. Турсуной ўша пайтда янги айтила бошланган халқ қўшиғи — «Қарғалар учса қарайманми куйлай бошлади, унинг тенги йўқ овози бор эди. Қўшиқ айтганда дилларни яйратиб юборардн. Ҳамза қўшиқни завқ билан тинглади. Кейин Турсунойни табриклади-да, «бобажо талант» деб юборди. Биз билан ҳайрлашаётганда шундай ноёб талантлар етишиб чиқаётганидан қувонгани, ўзбек санъатининг равнақи учун қанчалар жон куйдираётгани чеҳрасида намоён эди. Аммо курашлар қурбонсиз бўлмайди, дегандеридек орадан кўп ўтмай Бухорога гастролга борганимизда театримиз катта жудоликкга учради. Турсунойнинг эри Ҳожикул пичоқлаб ўлдирди. Риёкорлар, диндорларнинг иши эди бу. Бу шум хабарни эшитган Ҳамза ўша заҳоти ўзининг машҳур «Турсуной марсиясини яратиб маърифат душманларига қарши аёвсиз курашга чақирди.

У эрк қўйчиси эди. Ҳамза умрининг охиригача инсонинг қадр-қийматини кўтариш учун курашди. Театримиз шоир номи билан аталишидан биз доимо фахрланамиз. 1929 йили, унинг вафотидан сўнг шу ном берилди.

Мен Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий деганда ўзбек адабиёти ва санъатининг асосчиси, унн тетапоя пайтидан бошлаб душмандан аввайлаб асраб, камолатга етказган жасур курашчи деб биламан.

У яратган «Бой ила хизматчи» драмасини биринчи бўлиб бизнинг театр қўйганидан, ундаги Жаммга ролини илк бор мен ўйнаганлигим ва шу ролни 25 йил давомида ижро этганимдан фахрланаман. Асардаги ҳамма образлар ҳаётий. Мен ўша Сопиқбой, Ҳожи она, Ҳонзода, Жамилаларни ҳаётда кўп кўрганман. Шунинг учун ҳам бу ўлмас асар бўлиб театримизнинг олтин фондидан ўрин олган. Шунингдек, «Ҳолисхон» ҳақида ҳам айнан шу фикрни айтса бўлади.

Ҳамза Ҳакимзоданинг оловли нафасини бўғмоқчи бўлишди. Уни ваҳшийона ҳалок этиш билан овозини ўчирмоқчи бўлишди. Аммо у яратган курашларга чақирувчи асарлар шоирнинг эзгу ниятлари бошлаган ишни давом эттирмоқда.

Сора ЭШОНТЎРАЕВА,
СССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри актёри.

ЎЗБЕК ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Келди очилур чоғи
Ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни
Ҳар томон паришон қил.
Мактаб, анжуман борғил,
Унда фикр очиб тоҳи
Илму фан тиғи бирлан
Жаҳл бағрини қон қил.
Соғларда сарғайган
Юзларинг қилиб гулгун,
Сен ҳам аҳли донишлар
Базмини гулистон қил.
Чўриликни муллалар
Сенга қилдилар тақрир
Кел бугун бу заҳмингга
Маърифатни дармон қил.
Оналик ҳуқуқингни
Ҳурмат этмаганларни
Юзларин қаро айлаб,
Феълидан пушаймон қил.
Ой юзинг қора чиммат
Зулмидан қутилтирғил
Чиқ қоронғи турмуздан,
Нур ичида жавлон қил.
Сен қачон маорифнинг
Даргоҳига йўл топсанг,
Нурларин олиб кўзга
Сурмайи сулаймон қил.

1927 йил.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАКА № 9 (199)

Мамлакат Расулова «Учкун» тўқимачилик гала нтерея бирлашмасининг илғор ишчиларидан. У ҳозир янги беш йиллик ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқараяпти. Мамлакат жамоат ишларида ҳам актив қатнашаяпти. Маҳсулот сифатини яхшилаш тежамкорлик режимини кўчайтириш юзасидан ўтказилаётган рейдларда иштирок этиб, резервларни аниқлашда назоратчиларга яқиндан ёрдам бераяпти. Суратда: Мамлакат Расулова.

И. Глауберзон ва В. Скроткин фотоси.

ҲАММА САФАРБАР

Бепоён пахтазорларнинг бугунги ҳуснн-таровати ўзгача. Дефолиациядан сўнг очилган чаноқлар яна ҳам кўпайгандек, ғўзалар оқ нуқралардан маржон тақкандек туюлмоқда. Азамат пахтакорларимиз бу йилги қийинчиликларни мардонавор енгиб, кенг пайкалларда мўл ҳосил тўпладилар. Улар 4 минг гектар ерда деҳқончилик қилмоқдалар. Ҳосилдорликни 43 центнерга етказиш, она-Ватанга 17200 тонна «оқ олтин» армуғон этиш деҳқонларнинг азму-қароридир.

Йиғим-терим бошланиши арафасида совхоз партия комитети, халқ контроли группаси аъзоларидан иборат махсус комиссия бутун далаларни айланиб чиқди. Марказий ремонт устахонасида қўлдан чиқарилган терим машиналари яна бир бор кўздан кечирилди. Комиссия аъзолари деҳқонларимиз ва механизаторларимизнинг сифатли меҳнатидан мамнун бўлдилар. 27 та картага Сифат белгиси берилди. 2-бўлим механизаторлари эса ремонтни сифатли якунлаганликлари учун 100 сўмлик пул мукофоти билан тақдирландилар.

Биз йиғим-терим арафасида пахтакорларга қандай маданий-маиший шароит яратилаётганлигини ҳам текширувдан ўтказдик. Дала шийпонлари конкурсида ҳамма иштирок этди. Комиссия аъзолари Ульянов бўлимига қарашли СССР Олий Советининг депутати Энвер Алиев бошлиқ звено дала шийпонини биринчи ўринга тақдим этдилар. Шийпонда унумли меҳнатдан сўнг мириқиб ҳордиқ чиқариш учун барча қулайликлар яратилган. Ҳоналар юмшоқ кроватлар билан жиҳозланган. Рангли телевизор ишлаб турибди. Самоворларда чой қайнамоқда. Ровонда эса газета-журналлар билан танишиш, деворий газета, жанговар варақаларни кўздан кечириш мумкин.

Ҳозир теримчилар шийпон атрофидаги карталарда ишлямоқдалар. Улар машиналар қайриладиган жойлардаги пахталарни териб олиб, ерларни текисламоқдалар. Ҳа демай, машина терими бошлаб юборилади. Совхозимиз бўйича бу йил 10 та терим машинаси ишлайди. Улардан сўнг 42 та кўрак териш, 52 та подборщик ишга тушади. Ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олиш мақсадида 6 та йиғим-терим отряди, 28 та звено тузганмиз. Ҳар бир звеконинг муваққат партия группаси звенода бажарилган кундалик ишни ҳисоб-китоб қилиб боради. Ҳар бир машинанинг унумли ишлаши учун курашади.

ПАХТАЗОР—ЗАРБДОР ФРОНТ

Терим отрядларида қўшимча халқ контроли постлари ҳам тузилган. Пост аъзолари ҳосилни сифатли териб олиш ва уни ўз вақтида тайёрлов пунктларига жўнатиш устидан кўз-қулоқ бўлиб турадилар. Пахтани тўкмай териб олган механизатор бизда ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади. Бундан ташқари унумли ишлаган механизатор ҳам ҳар 10 кунда мукофотланиб борилади. Йиғим-терим суръатини ошириб биринчи ўн кунликда давлатга энг кўп пахта топширган бўлим механизаторларига мукофот тарақасида 1.5 минг сўмлик пул мукофоти берилади.

Совхоз халқ назоратчилари йиғим-теримни намунали ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларни муваффақиятли бажариш йўлида бизга катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Далаларда юздан ортиқ халқ назоратчиси меҳнат қиляпти. Ҳар бир пахтачилик бригадасида, ҳар бир звенода постлар ишлаб турибди. Эргаш Олимжонов, Собит Ҳидиралиев, Музаффар Шаҳмонов каби назоратчилар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиш билан бирга жамоат топшириқларини ҳам шараф билан бажармоқдалар. Кўпгина назоратчилар бошлиқ бригадалар эллиқцентнерчилик ҳаракатига қўшилган. Пост раислари Нурмуҳаммад Саидбоев, Мустафо Салъмия ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалар бу йил 50 центнердан ошириб «оқ олтин» ҳосили олишга сўз берганлар.

Совхоз далаларида етиштирилган мўл ҳосилда назоратчиларнинг ҳиссаси анча каттадир. Улар эрта баҳорданоқ кузни ўйлаб, ҳар бир агротехника жараёнининг сифатли бажарилиши устидан пухта назорат ўрнатдилар. Экиш даврида рейд ўтказишиб, иккинчи бўлимнинг М. Дадаев бошлиқ бригадасида рўй берган камчиликларни очиб ташладилар. Бу ерда чигит яхши тайёрланмаган ерга экилган эди. Сифатсиз иш учун бригада бошлиғига жарима солинди.

Ниҳоллар парвариши бошланиши билан назоратчилар яна рейдга отландилар. Улар бу гал парвариш сифатини кўздан кечирдилар. Текширув давомида 5-бўлимнинг Виктор Караваев бошлиқ звеносида культивация ишлари сифатсиз бажарилганлиги маълум бўлди. Муҳокамадан сўнг звено бошлиғи ўзгартирилди. Бундай тадбирлар пахтакорлар масъулиятини яна ҳам оширди. Уларни сифатли ва самарали меҳнат қилишга ундади. Мана энди ҳамма терим маёсумини яна ҳам зўр уюшқоқлик билан ўтказишга, катта қийинчиликлар эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир миқолини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишга киришмоқда.

Совхоз коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида муҳим масала муҳокама қилинди. Унда йиғим-теримда коммунистлар авангардлигини ошириш, белгиланган комплекс тадбирларни муваффақиятли бажариш йўлида йўриқлари кўрсатилди. Йиғилишда халқ назоратчилари олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилди. Йиғилиш қарори билан улар нобудгарчиликка қарши кураш, терим сифати ва машиналар унумдорлигини ошириш бўйича рейдлар ўтказиб турадилар. Ҳеч шубҳа йўқки, назоратчилар, барча коммунистлар қўмаги билан биз бу йил ҳам катта зафар қучамиз.

А. ХУЖАҚУЛОВ.
Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози партия комитетининг секретари.

АЙТИШУВ

[Техникалари сифатсиз ремонт қилинган икки колхознинг механиклари хиргойиси]

ДУНДИРБЕК:

Техникалар шай бўлсин, деб аҳд қилганмиз,
Ишларимиз «беш» бўлар деб шаҳд қилганмиз,
Хат йўлладик: «Техникани тахт қилганмиз»,
«Аҳволингиз чатоқ», — деса рад қилганмиз, —
Охирда сирларимиз ошкор бўлди.

ТИНДИРБЕК:

Сизга қараганда бизнинг аҳвол ёмон, —
Лой-у балчиқ... ўтиб бўлмас гараж томон,
Техникалар ўлда-жўлда ётар ҳамон,
Бу аҳволни тузатолмиз лекин, пинҳон, —
Қолоқликда ишлаш бизга шиор бўлди.

ДУНДИРБЕК:

Қор ва ёмғир ёғмайди деб ўйлагандик,
Техникани саранжомлаб қўймагандик,
Занглатмаймиз дея қатъий сўз бергандик,
Шундай ишонч билан роса тўйлагандик,
Мажнисларда лекин юзлар «қанор» бўлди.

ТИНДИРБЕК:

Учта ҳайдов тракторнинг муфтаси йўқ,
Йигирмата теележкадан учтаси йўқ,
Бештасининг на мотори—ўпкаси йўқ,
Қолганлари тарилламас—нафаси йўқ,
Гаражида ётавериб кўп зор бўлди.

ДУНДИРБЕК:

Айвосларнинг шиферн йўқ, усти очиқ,
Техникага жон кирсаси—кетар қочиб,
Буни кўриб ремонтчининг тикка сочи—
Қай бирига етар унинг бир қулочи,—
Бошимизга тушган ташвиш такрор бўлди.

ТИНДИРБЕК:

Майнун йиллар «зангори комар» аҳволига,
Плугларнинг ярми пойда... оҳ, қолига!!!
Жавоб берар ким техника саволига —
Нақот колмас раисимиз хаёлига!
Оқибатда, сичқон нни ҳам тор бўлди...

Собир ҲОЛБЕКОВ.

Бу йил бригадамиз аҳли 81 гектар пахта майдонида деҳқончилик қилиб, 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга бел боғлаган. Ана шу эзгу ният йўлида меҳнат қилиб, катта хирмонга муносиб ҳосил тўпладик. Ҳозир далаларимизга қадам ранжида қилган ҳар бир киши бир йил бўйи қилган меҳнатимизнинг натижасини кўриб қувонади.

КАТТА ХИРМОН УЧУН

Бундай ишларни амалга оширишда халқ назоратчилари айниқса активлик кўрсатдилар. Улар ишлаб чиқаришда намуна бўлиш билан бирга тез-тез рейд ва текширувлар ўтказишди. Агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли ўтказилишини назорат қилиб бордилар. Ҳосилни қисқа муддатда тез ва сифатли териб олиш учун бошланган долзарб ҳаракатда активлик кўрсатишди. Айниқса, назоратчиларимиздан Пўлат Илёсов, Умар Истибоевлар бизга катта ёрдам кўрсатишди.

Х. ҚУТТИБОЕВ.
Коммунистик райси «Правда» колхозининг бригада бошлиғи.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ЖИДДИЙ СИНОВ

Илғор хўжаликлар терим техникасини муддатидан олдин фойдаланишга шай қилиб қўйдилар. Машиналар айланадиган майдонлар ҳозирланди, ўқариқлар текисланди. Халқ назоратчилари далаларда бўлганларида илғорлар ишини кўриб қувондилар.

Лекин текширув давомида баъзи бир хўжаликларда терим техникасини барвақт тайёрлаш, машиналарни сифатли ремонт қилишга эътиборсизлик билан қаралганини ҳам аниқладилар. Назоратчилар Янгийўл районидаги Ниёзов номли колхозда бўлганларида 9 та машина ҳали мавсумга тайёрланмаганлигини кўрдилар.

Шундай аҳвол райондаги «Ленинизм» колхозида ҳам кўзга ташланди. Ҳисоб бўйича 47 та терим машинаси тайёр деб рапорт берилган эди. Текширув пайтида бу машиналарнинг атиги 33 таси тўла ремонтдан чиқарилганлиги маълум бўлди.

Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози механизаторлари ҳам терим агрегатлари ремонтини барвақт тугаллашда сусткашлик қилдилар. Текширув куни 12 та терим машинасидан бирортасига ҳам аппаратлар осилмаган, кўрак узиш машиналари ремонтига эса ҳали киришилмаган эди.

Назоратчилар ўтказган рейдлардан сўнг бу хўжаликларда катта ўзгаришлар рўй берди. Агрегатлар ремонти сифати эндлик билан яна бир бор кўздан кечириб чиқилди. Ремонтчилар сафи кенгайди. Улар учун зарур шароитлар яратиб берилди. Ҳозир барча жойларда терим техникаси мавсумга шай турибди.

МОЛИЯВИЙ ИНТИЗОМ БУЗИЛМАСИН

Тошкент область ижроия комитети молия бўлими ва Ўзбекистон ССР молия министрлигининг контроль-ревизия бошқармаси ходимлари футбол бўйича область болалар-ўсмирлар олимпия резерви ҳамда эшкак эшиш турлари бўйича олий спорт маҳорати мактаблари молиявий фаолиятини текширишганда бундай кўнгилсиз ҳолларга дуч келамиз деб ўйлашмаган эди.

Футбол бўйича область олимпия резерви мактабига З. Исроилов 1977 йил сентябрда секретарь-машинистка бўлиб ишга келган эди. У айни пайтда область спорт комитетида ҳам секретарь-машинистка бўлиб ишлади. Иккита маош олиб ишни қойил қилган бўлса майли эди. Лекин Исроилов у ердаги ишни ҳам, бу ердаги ишни ҳам оро йўлда қолдириб маошларини эса ўз вақтида қуртдек санаб олаверди. Қисқа вақт ичида унга қонунсиз равишда 1451 сўм тўланди.

Н. В. Жура эса қонунсиз йўллар билан бундан ҳам кўпроқ пулни ўзлаштирди. У олимпия резерви мактабига инструктор-методист бўлиб ишга келган эди. Лекин Н. В. Жура бу вазифани амалда бажармади. Фақат область спорт комитети билан мактаб ходимларига пул тарқатиш билан шуғулланди. Ҳақи ёмон бўлмади. 3367 сўм пулни қонунсиз равишда олди.

Эшкак эшиш турлари бўйича область олий спорт маҳорати мактабида ҳам шундай ҳоллар рўй берди. Кассир Л. А Муратова қайиқлар ремонти бўйича уста ҳам эди. Аллатта болта ушлаш ёки мих қоқиш Муратованинг қўлидан келмасди. Шунга қарамай у иккита маошни олаверди. Чирчиқ шаҳар спорт комитети раиси Юсупов эса тренерлик штатига ҳам расмийлаштириб қўйилди. Ҳар ойда унга 50 соатлик тренерлик ишини бажарди деб, қўшимча маош тўланди. 1978 йилдан бери Юсупов 1114 сўмни қонунсиз олди. Малиновский билан Суровцев Тошкентда иқтисомат қиладилар. Лекин ҳар иккала ўртоқ Бекободдаги қайиқ ҳайдаш базасига тренер қилиб расмийлаштирилган. Тошкентда яшаб, Бекободда ишлагаларига одамининг ишонгиси келмайди.

Массажчи сифатида ишга қабул қилинган Оландер билан Сандгараева ҳам Тошкентда яшаб Тошкентда ишлашган. Лекин қандай қилиб эшкак эшиш бўйича область олий спорт маҳорати мактабида массаж ишларини бажаришга вақт топганларига ҳамма ҳайрон.

Область халқ контроли комитети йиғилишида бу нуқсонлар область спорт комитети раиси А. Ҳафизовга кўрсатилиб, огоҳлантирилди. Бошқа жавобгар кишилар эса тегишли жазоларини олдилар.

МОЛЛАР ТУРИБ ҚОЛМАСИН

Область савдо бошқармаси ва область матлубот жамияти молларнинг туриб қолишини камайтириш йўлида кейинги пайтларда кўпгина ишларни амалга оширдилар. Ўтган йили матлубот кооперацияси тармоқларида 17,6 миллион сўмлик мол сотилмай йиғилиб қолди. Кўрилган тадбирлар туфайли уларнинг 10 миллион сўмлиқдан кўпроғи реализация қилинди. Давлат савдоси тармоқларида ҳам туриб қолган нохаридоргир моллар икки марта камайди.

Лекин шунга қарамай ҳали ҳам магазинларнинг омборларида кўп моллар харидорларга етказилмай туриб қолмоқда. Бўка райони универмагида турган моллларнинг кўпчилигини шаҳарда одамлар жон деб олади. Лекин бу ерда улар ўтмай ётибди. Универмаг пештахталарида 1975—1976 йиллардан бери чет элдан келган атлас рўмоллар, аёлларнинг кремлини костюмлари тахланиб ётибди. Уларни харидор талаб қилган жойларга етказиб бериш устида ҳеч ким бош қотирмаяпти.

Тошкент районлараро базаси шу йилнинг биринчи кварталида «Малика» трикотаж бирлашмасидан 1200 та эркаклар кўйлагини қабул қилиб олди. Лекин бу кўйлакларнинг 96 процента 46 размерли эди. Ҳамма бир хил размерли кўйлак қиймаганлиги учун ҳам улар магазинда тахланиб ётибди. Тошкент район матлубот жамиятига қарашли «Шодлик» универмаги эса Гулистон тикув фабрикасидан аёлларнинг 25 минг сўмлик кўйлагини олиб келган эди. Икки йил давомида бу кўйлакларнинг атиги 4 минг сўмлиги сотилди, холос.

Савдо ташкилотлари, районлараро базаларнинг ходимлари оператив равишда ишламаётганликлари, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганмаётганликлари, савдо бошқармаси ва область матлубот союзи ўртасидаги алоқанинг бўшлиги натижасида кўпгина моллар ўз эгасини топа олмаяпти.

Область халқ контроли комитети бу муҳим масалани муҳокама қилиб, тегишли чора ва тадбирларни белгилади. Ҳозирги кунда нохаридоргир ва туриб қолган моллларни реализация қилиш юзасидан жойларда қўшимча тадбирлар амалга оширилмоқда.

РАССОМ ХАНДАСИ

НОБУДГАРЧИЛИКНИНГ «ОЛДИ ОЛИНДИ»

ПАХТА: — Ўзинг учун ўл етим.

ПЛАН БОР - У ИЖРО ЙЎҚ

Қўлимизда Калинин районидаги Ю. А. Гагарин номли совхоз-завод топшираётган маҳсулот тўғрисидаги маълумот. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли икки баравардан кам ҳосил йиғиб олинган. Биз хўжалик раҳбарларидан сабабини сўраганимизда бу йил мева, узум ҳосилдорлиги ўтган йилга нисбатан кам бўлса, ишчи кучи етишмаса, ўз навбатида халқ контроли группаси учун яна ҳам иш кўпайибди. Назоратчилар бор нозне ъматларни нобуд қилмай, териб олиб шаҳарликлар дастурхонига жўнатишда активлик кўрсатишлари, барча резервларни ишга солишлари зарур.

Хўш, назоратчилар бу йўлда қандай тадбирларни амалга оширяпяпти?! Совхоз-завод халқ контроли группасининг раиси С. Османовдан халқ назоратчиларининг фаолияти ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик:

— Умуман халқ контроли группаси ҳаракат қиляпти. Рейд ва текширишлар ўтказиб турибмиз. Лекин вақт етишмай кўп ишлар шуғулланмоқда, — деди у. Рўйхат бўйича хўжалик халқ контроли группасида атиги ўн беш назоратчи бор экан. Совхоз-заводда 6 та бригада бор. Бундан ташқари, чорвачилик фермаси, автотранспорт парки, виночилик заводи, қурилиш бригадаси, маданий-маиший муассасалар мавжуд. Буларнинг ҳар бирида халқ назоратчиларининг пости бўлиши лозим. Ҳосилни йиғиш пайтида яна кўшимча постлар ташкил этиш айни муддао бўлар эди.

Шуни айтиш керакки, халқ контроли группаси йил бошида тузилган план асосида ҳаракат қилмаяпти. Рейд ва текширишларни мунтазам ўтказмайди. Ўтказилганда ҳам кенг жамоатчилик жалб этилмаяпти. Бу эса хўжаликда халқ назорати ишига ниҳоятда эътиборсизлик билан қараётганидан далолат бермоқда.

Тузилган постлар суст ҳаракат қилмоқда. Камчиликларни бартараф этиш учун ўз вақтида чоралар кўрилмайди.

Халқ контроли группасининг яна бир муҳим вазифаси илғор тажрибаларни ўрганиб, оммалаштириб боришдан иборат. Назоратчилар эса бу борада ҳам жуда кам иш қилишмоқда.

Халқ назоратчилари давлат планлари ва топшириқларининг қандай бажарилаётганлиги устидан мунтазам равишда контролликни амалга оширишлари, резервларни қидириб топишлари ва шу резервлардан унумли фойдаланишлари керак. Ҳар бир назоратчи ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнатнн, моддий ресурсларни ва пул маблағларини тежаб-тергаб сарфлаш, жамики янги илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун актив курашиши лозим. Хўжалик халқ контроли группаси бу вазифаларни сидқидилдан бажармаяпти. Партия ташкилоти эса халқ контроли группасига раҳбарликни талаб даражасида олиб бормаяпти.

Б. СОЛИҲОВ.

МАСТОН БУВИГА ХАТ

АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

Мастон бувининг иши кўпайиб қолди. Ўғил командировкада. Келин ишга вақтли кетади. Бояги-бояги набираларига сут олиб келиш учун магазинга ҳар кун ўзи чиқади. Бугун ҳам ҳар кунгидек бидончани кўтариб узун арқоннинг учини боғлагандек, навбат охирига бориб турди.

Бироқ навбат етишига 10-12 киши қолганда сут тугади. Мастон бувининг тарвузи қўлтиғидан тушди. Келини ҳафа бўладиган бўлди. Энди нима қилади? Ўғли бўлганда-ку, машинасига ўтириб, лип этиб топиб келарди-я. Қариганда бу оёқ ишларигидек магазинма-магазин юришга ярамайди.

Йилдан-йилга фаровонлик, мўл-кўлчилик. Ҳозирги тўкинчиликни, давридавронни Саидкаримбойлар ҳам кўрмаган. Ҳаммасига шукур.

Бироқ айрим кезларда туриб-туриб арзимаган нарсалар кишига наша қилади-да.

Келинг, мисолларга мурожаат этайлик. Область партия комитетининг II пленумида чорвачиликни янада ривожлантириш шу жумладан, чорвачилик комплекслари қурилишини тезлаштириш, объектларни ўз муддатида фойдаланишга топшириш ҳақида вазифалар қўйилди. Қўйинг-чи, ҳозир бир умр қилинмаган ишлар бўлаяпти. Ҳатто шаҳарларда чорвачилик масаласи билан шуғулланилмоқда. Корхоналарда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилиб, сигир-бузоқ, парранда боқилаяпти. Мақсад чорвачиликни кескин кўтариш. Юрагида кўри бор ҳар бир киши қаерда яшамасин, хоҳ шаҳарда, хоҳ қишлоқда чорва мўл-кўлчилигига ҳисса қўшаяпти.

Лекин шундай бир пайтда бир қатор қурилиш ташкилотлари қор тагида қишлайдиган айиқдек, шунча куч-қувватлари бўла-туриб, арзимаган нарсаларни баҳона қилиб, қўлларини совуқ сувга ургилари келмаяпти.

Мастон бувн, балки дўст ачитиб гапирар, бетга айтганнинг заҳри йўқ қабилида номма-ном, рўй-рост айтавер деярсиз. Бўлмаса, бошладик.

6-қурилиш трестининг 2-кўчма механизациялашган колонна коллективи 1-«Пискент» совхозида 600 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси қурилишини 1975 йил бошлаб юборди. (Трест бошқарувчиси М. С. Саломов, колонна бошлиғи Ю. Б. Уваров). 1675 минг сўмлик мазкур объект 1978 йилнинг тўртинчи кварталида фойдаланишга топширилиши зарур эди. Сўнгроқ топшириш муддати 1979 йилга кўчирилди. Ниҳоят, комплекс 1979 йилнинг 29 июнида давлат комиссияси томонидан қабул қилиб олинди.

Мастон бувн яхши биласиз, келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, дейишади. Қурилиш фойдаланишга топширилди-ю, ҳангома кейин бошланди. Совхоз чорвадорлари кўриб, кўзларига ишонишмас, ичига кирган одамнинг маст кишидек, бошн айланарди. Сигир ва бузоқ турадиган жойлар асфальт устидан худди танк ўтгандек, паст-баланд, ғадир-будур. Шундай сифатсиз ётқизилган. Молларни сунъий қочириш биносида қанча ишлар ниҳоясига етмаган. Барча хона ва коридорларга цемент плинтус, ҳаво алмаштиргичлар ўрнатиш, икки хонада шипгача чегара деворлар кўтариш, ветеринария даволаш бўлимида полларни текислаш ва бошқа ишларни адо этиш керак эди. Объектда 1385 минг сўмлик ўрнига 1224 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, холос. Хлорелла биноси қурилмади. Бу ҳали хамир учидан патир. Яна бир қатор қурилиш ташкилотлари чорва комплекси қурилишини чўзиб юборяптилар. Унинг устига мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида иш тутмоқдалар. Масалан, «Ташоблколхозстрой» қурилиш трести (Трест бошқарувчиси Жалолов, бош инженери Переденко) Пискент районидаги Охунбобоев номли колхозда 400 бош қорамолга мўлжалланган «тарихий» чорва комплексини 1974 йилдан бери ана топширамиз, мана топширамиз, деб пайсалга соляптилар. Объектни 1978 йилнинг тўртинчи кварталида қойилмақом қилиб бунёд этамиз-у, кейин ўзингиз офарин, дейсиз, деб, ваъдани катта олишди. Лекин, 1979 йилнинг иккинчи ярми ҳам ўтиб бораяпти, бироқ, қурилишда бурилиш йўқ.

Бундай мисоллар занжирнинг давомидек, бир-бирига уланиб кетган. Мана, яна бир ҳалқаси: «Ташоблколхозстрой» трестининг 20-колхозлараро кўчма механизациялашган колоннаси бош пудратчи бўлиб Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида 600 бош қорамолга мўлжалланган сутчилик комплексини бунёд этишга бел боғлади. (Колонна бош инженери Э. Душабоев, буюртмачи Оққўрғон район қишлоқ хўжалик бошқармаси капитал қурилиш бўлими, бўлим бошлиғи Байдуллаев). Бу ерда ҳам 1974 йил пойдевор қўйилди. 1978 йилнинг тўртинчи кварталида қойилмақом қилиб топширишга ваъда берилди. Ўтган йили қурилишда шундай бетартиб иш олиб борилдики, асти қўяверасиз. «Ташоблколхозстрой» трести раҳбарлари объектни керакли қурилиш материаллари билан таъминламади, ёрдамчи пудратчи ташкилотларни ўз вақтида жалб этмади. Яна ўша ишда ўзини оқлаган «илғор тажриба» ишга солинди — объектни топшириш 1979 йилнинг иккинчи кварталига кўчирилди.

Каранг-а, қисқа ва аниқ. Иккинчи берилган ваъданинг ҳам устидан чиқмадилар. Унинг устига бажарилган ишлар яра устига чиқон, деганларидек, сифатсиз, чала-чулпа бажарилаётганини айтмайсизми. Сигир сайхонга чиқариладиган майдон сифатсиз бетонланган, ишлаб нотўғри қилиб қўйилгани учун энди қор-ёмғир суви лозим томон қолиб, сигирхона томонга оқадиган қилиб қўйилган. Хуллас, сифатсиз ишларни санаб адоғига ета олмайсиз.

Мастон бувн, агар қурувчиларимиз шундай «кўчирма график»лар асосида ишлашса, қор-ёмғир ишшабини қурилган бинонинг тагига бурилса, қурилиш нормалари ва қоидаларига амал қилишмаса, ишимизда барака бўлмайди. Унинг устига поли паст-баланд, оралари ёрилган, молхоналарда сигир-бузоқ боқиш у ёқда турсин, хашак ҳам жамғариб бўлмайди.

Хўш, бувга қурилиш раҳбарлари нима дейишар экан?!

Б. ПЎЛАТОВ.

ШОИР ХАЛҚ БИЛАН ЯШАЙДИ

Шоир таваллудининг 90 йиллигига республикамиз адабий жамоатчилиги катта тайёргарлик ишларини олиб борди. Адабиёт музейлари янги экспонатлар билан бойитилди, Ҳамза асарлари ва шоир ижодига бағишланган янги тадқиқотлар чоп этилди. Шаҳар ва қишлоқларда адиб ижодига бағишланган шеърият кечалари, адабий-назарий конференциялар ва илмий сессиялар ўтказилди. Суратларда: 1. Ҳамзаобод посёлкасидаги Ҳамза музейи. 2. Республика нашриётлари рус ва ўзбек тилларида чоп этган шоир асарларидан намуналар. 3. Пойтахтимизнинг Ҳамза районида шоир ҳотирасига ўрнатилган улуғвор ҳайкал.



ҲАМЗА

Зулмат занжирлари бўлиб чилпарчин,
Инқилоб қуёши сочганда шуъла,
«Ишчилар, уйғон!» деб,
деб «Яша, Шўро!».
Эрк тугин олқишлаб битдим ашула.

«Нон!» деган гўдаклар тиниб кўз ёши,
Тамшанган лабларда порлади кулгу.
Мен нечун куйламай урфои
қуёшин, —
Паранжи—чачвонни ёқди ул мангу.

Минг йиллик қафасдан қутилган
қушдек
Юксак парвоз этди аёллар озод.
Мен нечун куйламай бор овоз билан,
Гул бўлиб кулганда янги бир ҳаёт!

...Кимни лол этганда бу синмас
созим,
Кимнингдир қўлига тутмиш қора тош.
Тошпаррон этдилар мени разиллар,
Бу ёруғ оламга бўлолмай йўлдош.

Агарчи бир юлдуз учса самодан,
Барибир қулф ургай оқшом чамани.
Ва гарчи кўзларим юмилмиш мангу,
Эрк билан қутлайман сени — Ватаним!

Олқор ДАМИН.

УНИНГ ҚЎШИҚЛАРИ

Бу рангин ўлкада нурбахш, хуррият,
Дўстлар мулоқати шукуҳли, ўктам.
Қалбларда гулурар эзгули ният.
Фикрлар тиниқдир мисли субҳидам.

Сабзазор юрт бўйлаб кезади шоир,
Мавжли ниҳомларга бериб ўйчан.
Унда кураш ҳисси ҳамиша зоҳир,
Қутлуғ қадамидан таралади шаён.

Бу водийда ўзга санъат муҳайё,
Қори Зокир эрур битта соҳиби.
Гулшаниё, Равиқий ғазали аъло,
Шиддатли сафдаги байроқдор каби.

Таниқас соҳиллари ҳамиша кўркам,
Ҳамза тўни каби камалак рангда.
Кенгликларда «оқ олтин» яратар
ўлкам,
Нидолар даъваткор, жўшқин оҳангда.

Бу гўзал диёрда ҳаётдир масрур,
Шоирнинг тўйи бу, ёрқин бир баҳор.
Жаҳон узра мангу таралиб мағрур,
Ҳамза қўшиқлари юксак, парвоздор.

Шарофжон ОРИФИЙ.

[Бошн 2-бетда].

Ҳамза Совет ҳокимияти йилларида республикамизнинг кўпгина шаҳарларида театрлар тузди, журналистлик фаолият кўрсатди. Композитор бўлиб куй яратди, тарғиботчилик қилди. У илк сайлов комиссиясининг аъзоси, хотин-қизлар озодлиги учун олиб борилган курашнинг фаол иштирокчиси эди. Маълумки, худди шу фаолият унинг ижодига ҳам кўп озиқ берган. Ҳамзанинг катор лирик шеърлари ва «Паранжи сирлари» каби монументаль асарлари худди шу фикрнинг шоҳидидир.

Шу ўринда кўпчиликка маълум бўлмаган бир ҳужжатни эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман. Бу 1928 йил 7 октябрда Шоҳимардонда бўлиб ўтган бир мажлис протоколи бўлиб, у ўттиз йилча Ҳамзанинг шогирди Абдуллажон Ҳотамовда сақланган. У киши бундан йигирма йилча аввал Комил Яшинга тақдим қилган. Ўтган йили устозимиз Комил Нуғмонович Яшин бу ҳужжатни лутфан менга тақдим этдилар.

Протоколдан маълум бўладики, Ҳамза бу мажлисда икки муҳим масала ҳақида доклад қилган.

«...1. Эшитилди: 1906 йилда туғилган иттифоқ аъзоларини қизил аскарлик мактабида тарбиялаш хусусида Депара ер-ўрмон иттифоқининг 24[IX даги 734 сон- кўрсатуви ҳам (уни) амалга оширув ҳақида ўртоқ Ҳакимзоданинг маърузаси.

Қарор: бу ҳақда ўртоқ Ҳакимзоданинг кенг равишда тушунтириб қилган маърузасини тинглаб, қуйидаги қарорга келинди:

а) «Биз батроқ ишчилар мамлакатимизнинг ички ва ташқи душманларидан мудофаа этмоққа доим тайёргарликда бўлиб қизил аскарлик мактаб тарбиясини олмоққа ҳавасманд бўлсак-да ҳозирча чақирилган курс устофига ёшларимиз тўғри келмаганлигига тавассуфимизни билдирамиз.

б) Биз батроқлар ароларимизда бўлғон союз аъзолари ўртоқларимиз бўлган 1. Эркабой Холдор ўғли. II. Камол Жамол ўғилларини чақирилган курсга бормоққа ўз хоҳишлари билан шу мажлисда курсга бормоқларини талаб этгонлари хусусида бу ўртоқларимизга бутун Шоҳимардон йўқсуллари томонидан ташаккуримизни билдириш билан бу ўртоқларимиз сиёсий ва онгли билимлардан хабардор бўлиб келмоқлари учун бу ўртоқларни қизил аскар курсига юбормоқни Депара ер-ўрмон иттифоқидан сўраб қоламиз.

1. Эшитилди: хотин-қизлар озодлиги хусусида ўртоқ Ҳакимзода маъруза қилди.

2. Қарори: ўртоқ Ҳакимзодани маърузасини эшитиб тубандаги қарорга келамиз. Асрлардан бери асорат занжирида боғланиб ва қоронғу дунёсида ва эрлар зулмида эзилиб ётқон оилаларимизга мумкин қадар янги маданият усулларида тарбия беришимиз билан жамоат активлари орасида давом этиб турғон оилавий курашдаги мажлисларга оилаларимиз билан иштирок этиб ва оилаларимизни озодликка чиқариш ваъдаларимизни қолдирамиз...»

Ҳамза ўзининг улкан истеъдодини ҳам, азиз жонини ҳам она халқининг бахти учун курашга ниёз этган ажойиб адиб эди.

Бу жаҳондин кон-ноком
ўтгуси ҳар нас, Ниҳон,
Ҳар на қилким ёдгорин
қолгудек эъзоз топ, —

деб ижод майдонига кириб келган Ҳамза ўз шиорини тўла бажарган улуғ инсондир. Унинг буюклиги талантини коммунистик ғоялар хизматига қўя олганида яққол кўринади.

Устозимиз улуғлиги шогирдларининг ишларию, шуҳратининг кенглиги билан ҳам ўлчанади. Ҳамза анъаналари унинг издошлари томонидан давом эттирилди, ривожлантирилди. У бошлаб берган социалистик реализм методи ҳозирги замон ўзбек адибларининг ижодий тажрибаси билан бойиди, мужассамлашди.

Ҳамза анъаналари санъаткор бор истеъдодини Коммунистик партия ғоялари хизматига қўйиш демакдир. Бу маънода унинг анъаналари ўзбек совет адабиёти тарихининг туб асосини ташкил қилади.

Унинг анъаналари ғоявий юксаклик билан баробар бадиий беркамоллик учун ҳам тинмай курашмоқни ўз ичига олади. Шу маънода бугунги ўзбек совет адабиёти ўзининг бадиий хилма-хиллиги билан турли гуллардан иборат чаманга монанд экан, уни Ҳамза анъаналарининг амалга ошиши деб тушунмоқ лозим.

У фақат ўзбек адибларининггина эмас, балки бошқа мамлакатлар ўқувчиларига ҳам яхши таниш.

Яқинда шаҳримизда меҳмон бўлган бир мўғул адиби унинг мамлакатида Ҳамза асарлари севиб ўқилаётганлигини сўзлаб берди. Ҳиндистоннинг Панжоб штатидаги бир кутубхона Ҳамза номи билан аталади, у ерда ўзбек адибининг кўпгина асарлари бор. Панжоб газеталари Ҳамза ҳақида ёзган материаллар ва асарларининг таржималари бизга маълум. Ҳамза асарларини мен Вашингтондаги Конгресс кутубхонасида ҳам, Нью-Йоркдаги Колумбия университетининг китоб фондида ҳам, Берлиндаги шаҳар кутубхонасида ҳам, Шри Ланка кутубхонасида ҳам, Шри Ланка ҳукумати ҳузурида ишлаётган Ҳамза ҳақидаги ҳужжатлар ва Ҳамзанинг ўзбекчадан ва бошқа тиллардан таржима қилинган асарлари ва ҳатларини кўрдим.

МАНГУ БАРҲАЁТ

Ҳамза ўзининг коммунистик ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш принципида яратилган асарлари билан жаҳон бўйлаб совет адабиётини шуҳратдор қилмоқда. Тарихимизни сохталаштирувчи буржуа олимларининг ёлғонликларини фош этмоқда. Севимли адибимиз бугунги ғоявий курашларнинг безосита иштирокчиси ва унинг ғалабасига ҳисса қўшаётган жангчидир.

Ўз вақтида Ҳамзани ерга урмоқчи, унинг аҳамиятини пасайтирмоқчи бўлган шахслар ҳам бўлган. Уларнинг номини ҳозир ҳеч ким тилга олмайди, аммо Ҳамза миллионлар типида ва дилида. Ҳақиқат ҳамиша шундоқ ғалаба қилган ва қилади ҳам.

Адиблар бўладики, ўз ҳаёти асарининг умридан узунроқ. Адиблар бўладики, асарининг умри ўзинкидан неча бор кўпроқ бўлади. Ҳамза сўнгги тоифага киради.

Ҳамза ўзининг улкан истеъдодини инқилоб хизматига қўйган эди. Бундай одамларнинг умри улар жонини бағишлаган ғоялардек мангу бўлади. Ҳамза шу тоифа — мангу барҳаёт сиймолар сафида туради.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ИОРК, 26 сентябрь. (ТАСС). Покистон президенти Зиёул Ҳақ Кохат (Ғарби-Шимолий Покистон) шаҳрида сўзга чиқиб, бундай деди: Покистон ядро технологиясига эга бўлиш ниятидадир. У ҳозирнинг ўзида бунга эриша олмаса келгусида бундай имкониятга эга бўлолмайди. Бу масалада ҳар қандай вазиятда ҳам биз ён босмаймиз деб илова қилди у. ЮПИ агентлиги мухбири шу ҳақда хабар бериб Зиёул Ҳақ ҳукумати ядро қуроли синовини ўтказиш ниятларини ҳамон рад этгани ҳолда, Ғарбдан олинаётган маълумотлар Покистон шу йилнинг октябрь ёки ноябрь ойларида ядро қурилмасини синаб кўрмоқчи эканлигидан далолат бераётганини уқтириб ўтади.

«Нью-Йорк таймс» газетаси Покистон президенти Зиёул Ҳақ мамлакат саралланган уран ишлаб чиқариш программасини амалга оширишга киришганлиги тўғрисидаги маълумотлар тўғри эканлигини таъкидлади, деб ёзади. Президент «саралланган уран» ишлаб чиқариш технологиясига ҳозирча эга бўлмасак-да, аммо яқин орада бунга эга бўламиз, деди газета мухбири билан суҳбатда. Шу билан бирга Зиёул Ҳақ Покистон мўлжалланаётган қурилма ҳарбий мақсадлар учун уран ишлаб чиқармайди деб яна таъкидлади.

«Нью-Йорк таймс» газетаси Исломободдаги Ғарб мамлакатлар дипломатларининг фикрига асосланиб, Покистоннинг ядро соҳасидаги программаси «анча кенг» ва у Ҳиндистонда жиддий ташвиш тугдирмоқда деб ёзади.

ДЭН СЯОПИННИНГ АЙТГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА ФРАНИНГ ЕЗГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 26 сентябрь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Пекиндан берган хабарда айтилишича, ХХР давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Дэн Сяопин Канаданинг собиқ бош министри Трюдо билан суҳбатда «Хитой—Совет» музокараларининг истиқболлари тўғрисида бирмунча умидсизлик билан гапирди». Шу агентлигнинг ёзишича, Дэн Сяопин «музокаралар жуда узоқ чўзилиши ва унчалик муваффақиятли бўлиб чиқмаслиги мумкин» деган гапни айтган.

ХХР Давлат кенгаши бош министри ўринбосарининг умидсизлик билан айтган бу гапи, деб уқтиради агентлик, музокара ўтказиш учун Москвага келган Хитой делегацияси бошлиғининг, чамаси фақат расмият учун айтган дўстона сўзларига ишончалик ишонмай қарашга мажбур этади.

БЕРЛИН.

Кейинги икки йил ичида ГДРнинг темир йўллари ва сув йўлларида юк ташишда ишлатилувчи катта контейнерлар сони бир ярим баравардан зиёд кўпайди. Ҳозирги вақтда республика темир йўллари бошқармасининг ихтиёрида халқаро стандартларга тамомила мос келувчи 16 мингтадан кўп контейнер бор.

Контейнерда юк ташиш мамлакатда асосий юк ташиш усулларидан бири бўлиб қолди.

ЛОНДОН.

Англия меҳнаткашларидан икки миллионга яқин киши ишга чиқмади. Улар Буюк Британия кемасозлари ва машинасозлари касаба союзлари конфедерациясининг чақиригига жавобан иш ҳақи оширилиши ва меҳнат шароитлари яхшиланиши тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлаб икки кунлик забастовка ўтказмоқдалар.

БАЙРУТ.

Ливан президенти И. Саркис «Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат билан Фаластин Фатх ташкилоти марказий кенгашининг аъзоси С. Халафни қабул қилди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида томонлар Ливан ва умуман Яқин Шарқдаги аҳволни муҳокама қилдилар.

Учрашув охирида Я. Арафат матбуот вакилларига берган баёнотида учрашувни Миср раҳбарларининг хонлик сиёсати натижасида Яқин Шарқда вужудга келган мураккаб шароитларда муҳим ва фойдали учрашув деб таъкидлади.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Спорт

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

Пойтахтимиздаги қишлоқ хўжалиги институти спорт комплексида қўл тўпи бўйича ёшлар ўртасида халқаро турнир мусобақалари давом этмоқда. Мухлислар СССР ёшлар терма командаси, Болгария, Польша ва республикамизнинг иккита командаси иштирокида ўтказилаётган бу мусобақани катта қизиқиш билан томоша қилишмоқда.

Республикамизнинг биринчи терма командаси асосий составини мамлакат чемпионати биринчи лигасида қатнашаётган Тошкентнинг «Текстильщик» ўйинчилари ташкил этган. Ҳамшаҳарларимиз учун халқаро турнир олий лигага чиқиш мақсади йўлида жиддий имтиҳон бўлиши шубҳасиз.

Биринчи кун бўлиб ўтган учрашуваларда қуйидаги натижалар қайд этилди. Болгария — Польша — 18:13 СССР — Ўзбекистон—26:10. Ўтган куни бўлган иккинчи турда эса Польша гандболчилари СССР командасига 10:18 ҳисобида ютқазишди. Болгария гандболчилари республикамиз ёшлар терма командасини 26:13 ҳисобида маглубиятга учратдилар.

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Хоккей бўйича мамлакат чемпионати биринчи лигаси қатнашчилари янги мавсум ўйинларини бошлаб юборишдилар. «Бинокор» дастлабки ўйинларни ўз майдонида Риганинг «Латвияс Берзс» командаси билан ўтказди. Биринчи кун ҳамшаҳарларимиз тўла устунлик қилишди ва 5:1 ҳисобида ғолиб келишди. Такрорий ўйинда ҳам «Бинокор» ана шундай ҳисобда ғолиб келди.

Хоккейчиларимиз кейинги ўйинларни ҳам ўз майдонларида Минскнинг «Динамо» командаси билан ўтказадилар.

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Уч кун давомида пойтахтимиздаги «Меҳнат резервлари» спорт комплексида шу кўнгилли спорт жамиятининг Бутииттифоқ биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Ғолиблик учун барча иттифоқдош республикаларда келган юзга яқин полвон курашди. Ғолиблар сафида республикамиз вакиллари ҳам бор. 48 килограммгача вазнда Аброр Аъзамов чемпион бўлди. 82 килограмм вазн бўйича Валерий Кузмин биринчи бўлди. Александр Яковенко кумуш, Убай Саидҳонов бронза медалларини қўлга киритдилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ЯНГИ ПРОГРАММА

СОВЕТ ЦИРКИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

Юбилей программалари

ПРОГРАММАДА:
ЦИРК САНЪАТИНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИ.
СОВЕТ ЦИРКИНИНГ УСТАЛАРИ.
МОСКВА ЦИРКИНИНГ АРТИСТЛАРИ ВА
ЎЗБЕК ЦИРКИНИНГ ЕТАКЧИ АРТИСТЛАРИ:

«ЎЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ».
РАҲБАР — Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳаким ЗАРИПОВ.
Ўзбекистон ССР халқ артисти Лола ХУЖАЕВА раҳбарлигидаги

«ЎРГАТИЛГАН ИТЛАР».
Ўзбекистон ССР халқ артисти Обиджон ТОШКЕНБОЕВ иштирокида Олим ТОШКЕНБОЕВ раҳбарлигидаги

«ЎЗБЕК ДОРБОЗЛАРИ»
Доимо манежда Москва цирки масҳарабозлари Александр ГРИМАЙЛО, Николай ЯШЧУКОВ ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Обиджон ТОШКЕНБОЕВ.

Томошабинлар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
Коллектив бўлиб келиш учун қуйидаги телефонлар бўйича заявкалар қабул қилинади: 44-35-84, 44-35-91.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
29, 30 СЕНТЯБРЬ СОАТ 14.00 ДА
СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
БИРИНЧИ ЛИГАНИНГ
«ДИНАМО» (Минск) — «БИНОКОР» (Тошкент)
КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ХОККЕЙ

Билетлар спорт зали кассаларида сотилмоқда.

СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ ҚОШИДАГИ
176-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1979—80 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭЛЕКТРОКАРЧИ МАЛАКАСИГА ЭГА БЎЛГАН АВТОСЛЕСАРЬ. Билим юртини тамомлагач, автомобиль ҳайдаш ҳуқуқини олганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Ўқиш муддати — 3 йил. Шу ихтисос бўйича ўқувчилар ётоқхона билан таъминланмайди; ЭЛЕКТРЧИ. Ўқиш муддати—3 йил; ЭЛЕКТРГАЗ ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати—3 йил. 15 ярим ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади; САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ-МЕХАНИК. Ўқиш муддати—3 йил. ОТК КОНТРОЛЕРИ. Ўқиш муддати—3 йил. Фақат қизлар қабул қилинади. Шу ихтисос бўйича ўқувчиларга ётоқхона берилмайди; УНИВЕРСАЛ-ФРЕЗЕРЧИ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ. Ўқиш муддати—бир йил ва 3 йил; ШЛИФОВКАЧИ. Ўқиш муддати—1 йил, 15 ярим ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади; ЭЛЕКТР КУПРИКЛИ КРАНЛАРНИНГ МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати—1 йил ва 3 йил. Асосан қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати—1 йил бўлган группаларда ўқувчиларга стипендия тўланади; ПРЕССЛАШ АСБОБ-УСКУНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ. Ўқиш муддати—1 йил, 17 ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади; МЕХАНИКА-ЙИҒУВ-ИШЛАРИ СЛЕСАРИ МАЛАКАСИГА ЭГА БЎЛГАН ТРАКТОРЧИ-СИНОВЧИ. Ўқишни тамомлагандан кейин автомобиль ҳайдаш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади. Ўқиш муддати—1 йил, 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади; ГЕМИРЧИ. Ўқиш муддати—1 йил; 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади. Стипендия тўланади; ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати—1 йил, 17 ярим ёшдагилар қабул қилинади; АГРЕГАТ ВА МАҲСУС СТАНОКЛАР СОЗЛОВЧИСИ. Ўқиш муддати—3 йил; ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ. Ўқиш муддати—1 йил ва 3 йил; ДУРАДГОР. Ўқиш муддати—1 йил. 15 ярим ёш ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАНЛАР ТУЛА ЎРТА МАЪЛУМОТ ВА КАСБГА ЭГА БЎЛГАНЛИКЛАРИ ТЎҒРИСИДА ДИПЛОМ ОЛАДИЛАР ҲАМДА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ ВАҚТИДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

Билим юртига қабул қилинганларнинг ҳаммаси кунига 3 марта иссиқ овқат, кийим-кечак, иш кийими билан таъминланади, зарур бўлганларга эса секция типидаги ётоқхонадан жой берилади. Ўқиш даврида ўқувчиларга ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб топилган сумманинг бир қисми тўланади.

Билим юртининг жиҳозланган ўқув кабинетлари, устаханалари, стадиони, спорт зали, ҳовузи бор. Эстрада, духовой ва миллий ансамбллар ишлайди. Ёзги каникул даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори районида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан справка, ота-оналаридан бири ишлаб турган жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат, характеристика.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: 700177, 1-Ташавтомаш массиви 1, 19, 16, 24-автобусларнинг «Трактор заводи» бекати, 22-трамвайнинг «13-поликлиника» бекати).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Кўл бўйида. Бадиий фильм. 1—2 сериялар. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.15 — Уфқ. 17.10 — «Кобза» вокал чолғу ансамбли куйлайди. 17.40 — Н. Островский ижоди саҳифалари. 18.30 — Москва ва москваликлар. 19.00 — Болаларга аталган шеърлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — РСФСР халқ артисти А. Масленников ижро этади. 19.50 — Ҳаёт сабоқлари. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Спартак».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун концерт. 12.20 — Тим Талер. Спектакль. 2-қисм. 13.20 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.50 — Аёллар командалари ўртасида қўл тўпи бўйича халқаро турнир. ЎзССР — Польша. 18.20 — Сўз кетидан сўз келар. 18.15 — Ёшлик. 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Черноморец» (Одесса). 20.45 — Ахборот. 21.05 — Кичик концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган тантанали юбилей кечаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Бир кун, бир умр. Бадиий фильм. 20.05 — Янгиликлар. 20.55 — Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида. 21.25 — Телефильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29[IX да Ўйнудаги гўзал, 30[IX да Улик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак (12.00). Риголетто (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28[IX да Кўрмайин босдим тиконни, 29[IX Ганг дарёсининг қизи, 30[IX да Олтин девор.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28[IX да Кўнгли ёш қариллар, 29[IX да Гулбаҳор қани?, 30[IX да Ўжарлар.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — СОВЕТ ЦИРКИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЮБИЛЕЙ ПРОГРАММАЛАРИ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор — 336495; 325302, редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334008, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02189. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е.—2577.